

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ  
ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ ВА ДИПЛОМАТИЯ УНИВЕРСИТЕТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.11/25.08.2022.I.24.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ ВА ДИПЛОМАТИЯ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЮСУПОВ АСОМИДДИН СОАТОВИЧ**

**ТАШҚИ САВДОНИ ЭРКИНЛАШТИРИШ ЖАРАЁНИДА МИЛЛИЙ  
ЭКСПОРТ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ ОШИРИШ СТРАТЕГИЯСИ**

**08.00.09 – Жаҳон иқтисодиёти**

**ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2023**

**Фан доктори (Doctor of Science) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата докторской (Doctor of Science) диссертации**

**Content of the Doctoral (Doctor of Science) Dissertation Abstract**

**Юсупов Асомиддин Соатович**

Ташқи савдони эркинлаштириш жараёнида миллий экспорт рақобатбардошлигини ошириш стратегияси..... 3

**Юсупов Асомиддин Соатович**

Стратегия повышения конкурентоспособности национального экспорта в процессе либерализации внешней торговли..... 31

**Yusupov Asomiddin Soatovich**

Strategy of increasing the competitiveness of national exports in the context of liberalization of foreign trade..... 63

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published scientific works..... 68

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ**

**ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ ВА ДИПЛОМАТИЯ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**

**DSc.11/25.08.2022.I.24.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ ВА ДИПЛОМАТИЯ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЮСУПОВ АСОМИДДИН СОАТОВИЧ**

**ТАШҚИ САВДОНИ ЭРКИНЛАШТИРИШ ЖАРАЁНИДА МИЛЛИЙ  
ЭКСПОРТ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ ОШИРИШ СТРАТЕГИЯСИ**

**08.00.09 – Жаҳон иқтисодиёти**

**ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2023**

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида 14.07.2016/В2016.3.1206 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.uwed.uz](http://www.uwed.uz)) ва «Ziynet» ахборот-таълим портали ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz))да жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи:**

**Исламов Бахтиёр Анварович**  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оponentлар:**

**Ғуломов Саидахрор Саидахмедович**  
иқтисодиёт фанлари доктори, академик

**Кадиров Абдурашид Мажидович**  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Шарифходжаев Шавкат Акилович**  
иқтисодиёт фанлари доктори, катта илмий ходим

**Етакчи ташкилот:**

Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси

Диссертация ҳимояси Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.11/25.08.2022.I.24.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2023 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ кун соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади.

Манзил: 100007, Тошкент шаҳри, Мустақиллик шоҳ кўчаси, 54-уй. Тел.: (99871) 267-67-69; факс: (998971) 267-67-69; e-mail: [rectorat@uwed.uz](mailto:rectorat@uwed.uz).

Диссертация билан Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган).

Манзил: 100007, Тошкент шаҳри, Мустақиллик шоҳ кўчаси, 54-уй. Тел.: (99871) 267-67-69; факс: (998971) 267-67-69; e-mail: [rectorat@uwed.uz](mailto:rectorat@uwed.uz).

Диссертация автореферати 2023 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ кун тарқатилди.

(2023 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).



**И.Р. Мавланов**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

**Л.М. Ташпулатова**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, и.ф.н., доцент

**Н. Сиражиддинов**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, и.ф.д., профессор

## КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Глобал савдо тизимиغا интеграциялашув тажрибаси шунга гувоҳлик берадики, иқтисодий жараёнларни халқаро тартибга солиш масаласи мамлакатлар ташқи савдосининг ривожланишида долзарб аҳамият касб этади.

Хусусан, ЖСТ<sup>1</sup> ССКМ (TPRM) кўп томонлама савдо тизимининг ҳуқуқий ва институционал органи сифатида стратегик интеграциялашув ва эркин товар алмашинуви жараёнида турфа хил устунликларни ўзида намоён этиб келмоқда.

Ҳозирги пайтда ИХРТ (OECD), БМТСРК (UNCTAD), G-20 каби халқаро бирлашма ва тузилмалар ҳам ЖСТ ССКМ ваколатидаги савдо сиёсати тенденцияларини фаол қўллаб-қувватлаб келмоқдалар. Олиб борилган тадқиқотлар ЖСТ эркин савдо тизимиغا хос қатор устунликлар мавжуд эканлигини тасдиқлайди ва ташкилотга аъзо бўлиш жараёнида ташқи савдо сиёсати рақобатбардошлигини ошириш зарурлигига ишора қилади.

ЖСТ тамойилларига мувофиқ устувор савдо шартларининг олдиндан белгилаб олиниши<sup>2</sup> янги Ўзбекистон<sup>3</sup> учун ҳам очик прагматик ташқи савдо сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида эътироф этилмоқда.

Зеро, «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси»да<sup>4</sup> ЖСТга аъзо бўлиш жараёнини чуқурлаштириш, ташқи савдо сиёсатини либераллаштириш ҳамда иқтисодиёт тармоқларини трансформация қилиш орқали экспорт рақобатбардошлигини таъминлашга қаратилган таъсирчан иқтисодий ислохотларнинг мақсад қилингани ҳам бежиз эмас, албатта. «Ҳаракатлар стратегиясидан - Тараққиёт стратегияси сари» тамойили етти устувор йўналишининг бирида 2026 йилга қадар республика экспорт ҳажмини 30 миллиард АҚШ долларига етказиш мақсад қилинган.

Президент Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек: «Зеро, ... ташқи бозорларда мустаҳкам ўрин эгаллаш масалаларига алоҳида эътибор қаратган давлатгина юксак тараққиётга эришади, аҳоли фаровонлиги таъминланади»<sup>5</sup>.

Ўзбекистоннинг халқаро савдо тизимиغا интеграциялашувининг иқтисодий мазмуни ва тамойилларини тадқиқ этиш юзасидан олиб борилган илмий изланишлар эса, қуйидаги хулосаларга олиб келади:

<sup>1</sup> Жаҳон савдо ташкилотининг қисқартирилган аббревиатураси. ССКМ (TPRM) - савдо сиёсатини кузатиш механизми.

<sup>2</sup> 1.By Kimberly Amadeo. Advantages and Disadvantages and Their Possible Solutions. Updated May 18, 2019.; 2.WTO Online Bookshop/<http://onlinebookshop.wto.org>

<sup>3</sup> 1.Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 7 февраль, ПФ-4947-сон.; 2.2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси//Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармонига 1-илова.; 3.2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили»да амалга оширишга оид Давлат дастури//ЎЗР Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармонига 8-Илова.

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2022 йил 28 январь, ПФ-60-сон.

<sup>5</sup> Мирзиёев Ш. /Экспорт, инвестиция ва маҳаллийлаштиришни кенгайтириш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилишидаги нутқ., 2020 йил 15 январь. //https://mfa.uz/uz/press/news/2020/01/22941/

1. Замонавий иқтисодий адабиётларда иқтисодий ҳамкорликнинг муҳим модели сифатида халқаро савдо тизимига интеграциялашув борасида ягона ёндашувнинг ҳанузгача мавжуд эмаслиги, тадқиқ этилаётган жараённинг моҳиятини чуқур англаш имконини бермайди.

2. ЖСТга аъзо бўлиш жараёнида миллий экспорт рақобатбардошлигини ошириш стратегиясини такомиллаштириш зарурияти пайдо бўлади.

ЖСТга аъзо бўлиш босқичида мазкур масалаларнинг назарий, услубий ҳамда концептуал жиҳатдан етарлича тадқиқ этилмагани, диссертацияда танланган мавзунинг мақсадга мувофиқлиги ҳамда долзарблигини белгилайди.

Диссертация иши 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 24 майдаги “Экспорт фаолиятини молиялаштириш ва суғурталаш механизмини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4337-сон ва 2020 йил 7 майдаги “Экспорт фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4707-сон қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ-60-сон Фармони ҳамда соҳага оид бошқа меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажаришда муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур илмий-тадқиқот иши республика фан ва технологиялар ривожланишининг I.«Демократик-ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш»нинг устувор йўналашларига мувофиқ Ф-1-59- “Ўзбекистон агросаноат мажмуасини жаҳон аграр ва озиқ-овқат бозорларига интеграциялашувининг назарий-услубий асосларини такомиллаштириш” мавзуидаги фундаментал илмий тадқиқот лойиҳалари доирасида бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи**<sup>6</sup>. Ташқи савдо рақобатбардошлигини оширишнинг муайян стратегик масалалари: World Economic Forum (Geneva, Switzerland: «The Global Competitiveness Report»), Institute for Management Development (IMD, Lausanne, Switzerland: «World Competitiveness Yearbook»), United Nations Conference on Trade and Development (UNCTAD), Regional Economic Development Institute (REDI), The United Nations Commission on Sustainable Development (UN CSD), World Bank, The World Bank Institute, The Institute of Developing Economies, Harvard University, Research Institute and now AFR, The Golda Meir MASHAV Carmel International Training Center (MCTC, Haifa, Israel), RIS Research and Information System for Developing Countries (India Habitat Centre), Astana International Campus, СКАГС (Ростов-на-Дону), Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, Тошкент давлат иқтисодиёт университети, Ўзбекистон

<sup>6</sup> <https://www.weforum.org/>; <https://www.imd.org/>; <https://web.worldbank.org/>; <https://openknowledge.worldbank.org/>;  
<https://documents.worldbank.org/>; <https://www.sardc.net/en/regional-economic-development-institute-redi/>; <https://www.harvard.edu/>;  
<http://unctad.org/>; <https://sustainabledevelopment.un.org/>; [www.ox.ac.uk/](http://www.ox.ac.uk/); <https://toolkit-digitalisierung.de/>; <https://www.resolve.ngo/>;  
<https://www.timeshighereducation.com/>; <https://raexpert.ru/>; <http://www.skags.ru/>; [www.uwed.uz/](http://www.uwed.uz/); <https://www.tdiu.uz/>;  
<https://www.researchgate.net/>; <https://ifmr.uz/>.

Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Прогнозлаштириш ва макроиктисодий тадқиқотлар институти томонидан назарий-услубий, эмпирик ва эконометрик жиҳатдан тадқиқ этилмоқда.

ЖСТ эркин савдо тизими ҳамда «кўп томонлама савдо битимлари»га мувофиқ аъзоларнинг қоидалар ва мажбуриятларга содиқлиги ҳамда халқаро савдо сиёсати тенденциялари OECD, UNCTAD сингари халқаро бирлашма ва тузилмалар ҳамда TPRM томонидан доимий кузатиб келинмоқда, бунга мувофиқ ташқи савдо рақобатбардошлигининг илмий-методологик, эмпирик ва эконометрик жиҳатларига муҳим эътибор қаратилмоқда.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Халқаро савдонинг мамлакатлар иқтисодий тараққиётига таъсири ҳамда савдо интеграцияси муаммолари: А.Смит<sup>7</sup>, Д.Рикардо<sup>8</sup>, Э.Хекшер<sup>9</sup>, Б.Олин<sup>10</sup>, М.Познер, Г.Хуфбауэр, Р.Вернон<sup>11</sup>, Л.Уэльс<sup>12</sup>, М.Портер<sup>13</sup>, Ж.Сакс<sup>14</sup>, А.Ворнер<sup>15</sup>, Ж.Мокёр<sup>16</sup>, С.Гарелли<sup>17</sup>, Р.Мартин<sup>18</sup>, А.Маршалл<sup>19</sup>, П.Линдерт<sup>20</sup>, П.Кругман<sup>21</sup>, Дж.С.Милл<sup>22</sup>, С.Бойзер<sup>23</sup>, Р.Познер<sup>24</sup>, У.Крист<sup>25</sup>, И.Нонака<sup>26</sup>, Ф.Никербокер<sup>27</sup>, П.Фрэнсис<sup>28</sup>, Д.Дэниэлс<sup>29</sup>, Э.Кристоф<sup>30</sup>, И.Чень-Г.Роланд<sup>31</sup>, Я.Корнай<sup>32</sup> сингари узоқ хорижий мамлакатлар олимлари томонидан назарий-услубий ҳамда илмий жиҳатдан чуқур тадқиқ этилган.

<sup>7</sup> Adam Smith. An Inquiry into the Nature and Causes of the Wealth of Nations. A selected Edition. Edited with an Introduction and Notes by Kathryn Sutherland. // Oxford Worlds Classics. Oxford University press. 1998.

<sup>8</sup> David Ricardo. The Principles of Political Economy and Taxation. – Cambridge University Press, 1951.

<sup>9</sup> Heckscher, Eli. The Effect of Trade on the Distribution of Income. – Ekonomisk Tidskrift, p. 497.

<sup>10</sup> Bertil Ohlin. Interregional and International Trade. – Cambridge, Massachuset: Harvard University Press, 1993.), В.Леонтьев, П.Самуэльсон (International Trade and Equalization of factor Prices. – Economic Journal №58, 1948.

<sup>11</sup> Vernon, R. “International Investment and International Trade in the Product Cycle.” Quarterly Journal of Economics, Vol. LXXX, May 1966, PP. 190-207.

<sup>12</sup> Wells, L.T., Jr. “International Trade: The Product Life Cycle Approach.” In The Product Life Cycle in International Trade, edited by L.T. Wells, Jr. Cambridge, Mass.: Division of Research, Harvard Graduate School of Business Administration, 1972.

<sup>13</sup> 1. Портер М. Международная конкуренция. –М.: Международные отношения, 1993. 2. Портер М. Конкурентная стратегия: Методика анализа отраслей и конкурентов / Майкл Портер; Пер. с англ. – 3-е изд. – М.: Альпина Бизнес Букс, 2007.

<sup>14</sup> 1. Джеффри Д. Сакс. Конец бедности. Экономические возможности нашего времени [Текст] /пер. с англ. Н. Эдельмана. –М.: Изд. Института Гайдара, 2011. - сс. 3-5.; 2.Sachs D., Why Competitiveness Counts? // The Global Competitiveness Report. 1996.

<sup>15</sup> Sachs J.D., Warner A.M. //The Global Competitiveness Report. 2000.//http://web.mit.edu/

<sup>16</sup> Joel Mokyr. Technology and science reinforce each other to take the global economy ever higher. //FINANCE & DEVELOPMENT, JUNE 2018, VOL. 55, NO. 2.

<sup>17</sup> Garelli S. The Four Fundamental Forces of Competitiveness // The World Competitiveness Report 1997, IMD.

<sup>18</sup> Ronald L. Martin. A Study on the Factors of Regional Competitiveness. /A draft final report for The European Commission Directorate-General Regional Policy. Cambridge econometrics. The university of cambridge//https://ec.europa.eu/regional\_policy/

<sup>19</sup> Alfred Marshall. Principles of Economics. 8<sup>th</sup> edition, - Macmillan and Co., Ltd. 1920. (First edition published 1890.).

<sup>20</sup> Линдерт П.Х. Экономика мирохозяйственных связей. /Перевод с англ. Общ. ред. Иванова О.В. - М.: Прогресс, 1992.

<sup>21</sup> International economics: theory and policy / Paul R. Krugman, Maurice Obstfeld. – 7<sup>th</sup> ed. HF1359.K78 2006.

<sup>22</sup> John Stuart Mill. Principles of Political Economy. Cambridge, 1848.

<sup>23</sup> Boisier S. The Elusive Goal of Regional Development: Between the Black Box and the Political Agenda // Essays Series Documents 1995/30. Latin American and Caribbean Institute for Economic and Social Planning, Santiago de Chile, March, 1997.

<sup>24</sup> Richard A. Posner. Theories of Economic Regulation/The Bell Journal of Economics and Management Science Vol. 5, No. 2 (Autumn, 1974), pp. 335-358 (24 pages).

<sup>25</sup> By William Krist. Trade Agreements and Economic Theory/Trade Policy in crisis//https://www.wilsoncenter.org/

<sup>26</sup> Nonaka I. A firm as a Knowledge-creating Entity: A New Perspective on the Theory of the Firm // Industrial and Corporate Change. 2000. V. 9. №1.

<sup>27</sup> Knickerbocker, F.T. Oligopolistic Reaction and Multinational Enterprise. Cambridge, Mass.: Division of Research, Harvard Graduate School of Business Administration, 1973.

<sup>28</sup> By Francis S. Pierce. International payment and exchange./Economics. //https://www.britannica.com/topic/

<sup>29</sup> Д.Дэниэлс, Л.Х. Радеба. Международный бизнес: внешняя среда и деловые операции. Пер. с англ., 6-изд. – М.: Дело ЛТД, 1994.

<sup>30</sup> By Christoph Ernst, Alfons Hernández Ferrer and Daan Zult. The end of the Multi-Fibre Arrangement and its implication for trade and employment. Employment Strategy Papers./Employment Analysis Unit Employment Strategy Department., 2005/16.

<sup>31</sup> Yingyi Qian and Gérard Roland. Federalism and the Soft Budget Constraint.The American Economic Review Vol. 88, No. 5 (Dec., 1998).

<sup>32</sup> Корнай Я. Путь к свободной экономике. Страстное слово в защиту экономических преобразований., –М.: Экономика, 1990. – VIII + 149 с.

МДХ мамлакатларида: В.Кушлин ва А.Волчин<sup>33</sup>, А.Дынкин<sup>34</sup>, Е.Авдокушин<sup>35</sup>, А.Киреев<sup>36</sup>, П.Сергеев<sup>37</sup>, Э.Рубинская<sup>38</sup>, И.Кокушкина<sup>39</sup>, Е.Сидорова<sup>40</sup>, Д.Мадиярова<sup>41</sup>, Е.Александров<sup>42</sup>, А.Холопов<sup>43</sup>, И.Балабанов<sup>44</sup>, Н.Калюжнова<sup>45</sup> сингари иқтисодчи олимлар томонидан атрофлича ўрганилган.

Ўзбекистонда интеграциялашув ва ташқи савдо рақобатбардошлигининг назарий-амалий жиҳатлари: С.Ғуломов<sup>46</sup>, Д.Ахмедов<sup>47</sup>, Б.Исламов<sup>48</sup>, Ш.Шарифходжаев<sup>49</sup>, Ж.Жалолов<sup>50</sup>, Н.Сирождидинов<sup>51</sup>, А.Вахабов<sup>52</sup>, А.Бекмуродов<sup>53</sup>, Н.Тўхлиев<sup>54</sup>, С.Аъзам<sup>55</sup> Ҳ.Абулқосимов<sup>56</sup>, А.Исажанов<sup>57</sup>, Б.Салимов-М.Юсупов<sup>58</sup> ва бошқа олимлар томонидан тадқиқ этилган.

Ўтиш иқтисодиёти мамлакатлари ташқи савдо режими ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, мақсадли иқтисодий ривожланиш стратегияларини амалга ошириш зарурлигини тақозо этади. Хусусан, глобаллашув жараёнида республика ташқи савдосини янада эркинлаштириш ва экспорт рақобатбардошлигини ошириш масаласи ҳамон долзарблигича қолмоқда.

<sup>33</sup> Под ред. Кушлина В.И., Волчина Н.А. Государственное регулирование рыночной экономики. -М.: “Экономика”, 2000.

<sup>34</sup> Мир 2035. Глобальный прогноз / под ред. А.А. Дынкина; ИМЭМО им. Е.М. Примакова РАН. -М.: Магистр, 2017. //https://www.imemo.ru/

<sup>35</sup> Авдокушин Е.Ф. Новая мировая экономика. О некоторых чертах новой мировой экономики. //Вопросы новой экономики • № 1 (29) 2014. - сс 6-16.

<sup>36</sup> Trade Multilateralism in the Twenty-First Century: Building the Upper Floors of the Trading System through WTO Accessions/Edited by Alexei Kiryeyev and Chiedu Osakwe, 2017. ISBN:9781108367745.

<sup>37</sup> Сергеев П.В. Мировое хозяйство и международные экономические отношения на современном этапе. -М.: Новый юрист, 2011.// https://interactive-plus.ru/en/article/111918/discussion\_platform

<sup>38</sup> Рубинская Э.Т. Управление внешнеэкономической деятельностью предприятия. -М.: «Издательство ПРИОР», 2001.

<sup>39</sup> Кокушкина И.В., Воронин М.С. Международная торговля и мировые рынки. -СПб.: Техническая книга, 2007.

<sup>40</sup> Сидорова Е.Ю. Перспективы экономической глобализации / [А.С.Булатов и др.]; под ред. А.С.Булатова. -М.: КноРус, 2019.

<sup>41</sup> Мадиярова Д.М. Экономика интеграции. Монография/ под ред. Мадияровой Д.М. - Астана, 2016. ИП «Булатов А.Ж».

<sup>42</sup> Aleksandrov E., Kruglov V. Global economy and international economic relations: Tutorial. - М.: Financial University, 2017.

<sup>43</sup> Kholopov A.V. Economic Studies. MGIMO Review of International Relations. 2014;(5(38)):171-181. (In Russ.)//https://doi.org/10.24833/2071-8160-2014-5-38-171-181

<sup>44</sup> Балабанов И.Т., Балабанов А.И. Внешнеэкономические связи. -М.: «Финансы и статистика», 2000.

<sup>45</sup> Калюжнова Н.Я. Конкурентоспособность регионов в условиях глобализации. -М.: ТЕИС, 2003.

<sup>46</sup> Ғуломов С. ва бошқалар. Вактли қаторларнинг статистик таҳлили ва мавсумий тебранишларни прогнозлаштириш. Фан ва технология, 2016.

<sup>47</sup> Ахмедов Д. Статус наблюдателя в ЕАЭС – хорошая возможность реализовать потенциал нашей страны. //https://adolat.uz/ru/news/durbek-ahmedov-status-nablyudatelya-v-eaes-horoshaya-vozmozhnost-realizovat-potencial-nashej-strany

<sup>48</sup> 1.Islamov Bakhtiyor. Exchange Rate Liberalization: International Experience., М. – 2018, Т. – 2019.; 2.Islamov Bakhtiyor. Systemic Transformation and Sustainable Development: Case of Uzbekistan. Part I Monograph, Jakarta, Gumadarma University Press, 2016.; 3.Islamov Bakhtiyor. Central Asia 10 years after: Traps of Development, Globalization and Transformation., Monograph, Maruzen, Tokyo 2001.

<sup>49</sup> Шарифходжаев Ш.А., Вохидова М.Х. Необходимость улучшения инновационной инфраструктуры в стране – Ташкент: Экономика и финансы, 2018 г., № 5, с. 61-66.

<sup>50</sup> Jalolov J.J. va boshqalar. Tashqi iqtisodiy faoliyat asoslari. -Т.: О‘zbekiston Yozuvchilar uyushmasi Adabiyot jamg‘armasi nashriyoti, 2005.

<sup>51</sup> 1.Сирождидинов Н. Пути интеграции экономики Узбекистана в мировое хозяйство: поиск оптимальных вариантов. //Халқаро муносабатлар, 2020, №3-4, 29-40-бетлар.; 2.Сирождидинов Н. Проблемы повышения эффективности внешней торговли Узбекистана. – Т.: УМЭД, 2004.

<sup>52</sup> А.Вахабов и др. ВТО: Механизм воздействия национальных экономик. Угрозы и возможности в условиях выхода на международный рынок/Под ред. С.Ф. Сутырина. - М.: Эксмо, 2008.

<sup>53</sup> Бекмуродов А.Ш., Ғафуров У.В. Ўзбекистон – иқтисодиётни модернизациялаш ҳамда ислохотларни чуқурлаштиришнинг янги ва юқсак босқичи йўлида. -Т.: Иқтисодиёт, 2008.

<sup>54</sup> Тўхлиев Н. Тараққиётнинг ўзбек модели / Н.Тўхлиев. – Тошкент.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2012.

<sup>55</sup> Аъзам С.Э. Трансформация промышленной политики Узбекистана в условиях глобализации: монграфия/ Аъзам С.Э. -Т.: Изд-во «Ilm-Ziyo-Zakovat», 2018.

<sup>56</sup> Абулқосимов Ҳ.П., Расулов Т.С. ва б. Мамлакат иқтисодий ҳавфсизлиги ва рақобатбардошлигини таъминлашнинг устувор йўналишлари. Монография. – Т.: “Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи”, 2019.

<sup>57</sup> Исаджанов А.А. Марказий Осиё мамлакатлари ҳамкорлигининг геоиқтисодий жиҳатлари: хусусиятлари ва замонавий тенденциялар. / “Глобал трансформациялашув шароитида Ўзбекистоннинг халқаро савдодаги мавқеини ошириш ва жаҳон бозорига интеграциясини оптималлаштириш масалалари” мавзuidaги республика илмий-амалий анжумани материаллари тўплами, ТДИУ, Тошкент, 2021 йил 6 октябрь.

<sup>58</sup> Салимов Б.Т., Юсупов М.С., Юсупов А.С. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилиш. Ўқув-амалий қўлланма. -Т.: “Fan va texnologiya”, 2015.

Мамлакатда барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш учун ташқи савдо миллий ва халқаро миқёсда қандай усуллар орқали тартибга солиниши ва рағбатлантирилиши зарурлиги тўғрисидаги саволлар ҳам бугунги кунда турли мушоҳадаларга сабаб бўлмоқда.

Мазкур илмий-тадқиқот иши келажакда Ўзбекистон иқтисодиётини янада тараққий эттириш, унинг халқаро савдо тизимига янада чуқур ва самарали интеграциялашувини таъминлаш учун ўз билим салоҳияти ва имкониятларини сафарбар этаётган тадқиқотчи-олимлар ҳамда мутахассислар учун фойдали дастуруламал бўлиб хизмат қилади.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ДФТД-2 - «Ўзбекистон Республикасининг жаҳон хўжалиги тизимига интеграциялашuvi шароитида иқтисодиётни ислоҳ қилиш ва такомиллаштиришнинг хорижий тажрибаларидан фойдаланиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш» ҳамда Ф-1-59- «Ўзбекистон агросаноат мажмуасини жаҳон аграр ва озиқ-овқат бозорларига интеграциялашувининг назарий-услубий асосларини такомиллаштириш» мавзуларидаги фундаментал илмий тадқиқот лойиҳалари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** ЖСТ эркин савдо тизимига интеграциялашув жараёнида миллий экспорт рақобатбардошлигини ошириш стратегиясини такомиллаштиришга қаратилган назарий-услубий ёндашувлар ҳамда илмий-амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари.** Тадқиқот иши мақсадидан келиб чиққан ҳолда қуйидаги вазифалар белгилаб олинган ва принципиал ҳал этилган:

- халқаро савдо тамойилларини назарий жиҳатдан илмий асослаш ҳамда замонавий ривожланиш тенденцияларини график модель асосида иқтисодий баҳолаш;

- глобаллашув жараёнида экспорт рақобатбардошлигини таъминлашнинг концептуал жиҳатларини илмий тадқиқ этиш орқали услубий ёндашувларни ишлаб чиқиш;

- халқаро савдонинг Ўзбекистон иқтисодий тараққиётига таъсирини баҳолаш орқали ташқи савдо самарадорлиги кўрсаткичларини такомиллаштириш ва ягона тизимга келтириш;

- савдо интеграциясининг халқаро иқтисодий тараққиётга таъсирини эмперик ва эконометрик тадқиқ этиш орқали Ўзбекистоннинг ЖСТга аъзо бўлиши жараёнида экспортни ривожлантириш муаммоларининг ечимига қаратилган илмий хулоса ва тавсияларни шакллантириш;

- ЖСТга аъзо бўлиши босқичида экспорт диверсификациясининг кўп омилли «OLS - функционал эконометрик моделини» ишлаб чиқиш;

- ЖСТ тизимига интеграциялашув жараёнида миллий экспорт рақобатбардошлигини ошириш стратегиясининг устувор йўналишлари бўйича илмий ва амалий аҳамиятга эга таклифлар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида ЖСТ доирасидаги эркин савдо тизими ва Ўзбекистон ташқи савдо мажмуаси танланган.

**Тадқиқотнинг предмети**ни ЖСТ тизимига интеграциялашув жараёнида экспорт рақобатбардошлигини ошириш билан боғлиқ иқтисодий муносабатлар ташкил этади.

**Тадқиқот усуллари.** Тадқиқот жараёнида эмпирик кузатиш, экспериментал тадқиқот, анализ ва синтез, иқтисодий-статистик, тизимли ёндашиш, концептуал фикрлаш ва абстракция, қиёсий таққослаш ва башоратлаш усуллари ҳамда кўп омилли «OLS – функционал эконометрик модель» қўлланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

- халқаро савдонинг барқарор иқтисодий тараққиётга таъсирини тадқиқ этиш асосида ташқи савдо сиёсатининг асосий мезонлари ҳамда стратегик йўналишлари муаллиф томонидан туркумланган ва ягона тизимга келтирилган;

- халқаро савдо тизимига интеграциялашув жараёнида рақобатдош “стратегик альянслар”лар “экспансияси”ни концептуал ҳамда илмий жиҳатдан таҳлил қилиш асосида экспорт самарадорлигининг услубий такомиллаштирилган «Оптимал стратегияси» таклиф этилган;

- Ўзбекистон экспортининг товар номенклатураси ҳамда географик тақсимотини диверсификациялаш бўйича принципал имкониятлар аниқланган. Ташқи савдо самарадорлигини баҳолашнинг иқтисодий кўрсаткичлари мантиқий ва услубий жиҳатдан ягона тизимга келтирилган. Самарадорлик кўрсаткичларини такомиллаштириш бўйича «формал алгоритмик блок схема» ишлаб чиқилган;

- халқаро савдо тизимига интеграциялашув тажрибасини эмперик ва эконометрик тадқиқ этиш асосида Ўзбекистон ташқи савдосининг ЖСТ талабларига мос тизимини такомиллаштириш бўйича услубий тавсиялар ишлаб чиқилган;

- ЖСТ интеграцияси ҳамда ташқи савдо диверсификациясининг миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигига таъсирини баҳолашнинг кўп омилли «OLS - функционал эконометрик модели» илмий асосланган;

- ЖСТ тизимига интеграциялашув жараёнида миллий экспорт рақобатбардошлигини оширишнинг 16 босқичли стратегик концептуал модели таклиф этилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

- иқтисодий адабиётларни тадқиқ этиш асосида ташқи иқтисодий сиёсат ҳамда экспорт стратегиясига нисбатан назарий муаллифлик ёндашуви ишлаб чиқилган ва янгича таъриф берилган;

- замонавий халқаро савдо назариялари ҳамда глобал иқтисодий трендлар таҳлиliga мувофиқ, халқаро савдонинг миллий хўжаликлар иқтисодий интеграцияси ҳамда барқарор иқтисодий ўсишига таъсир этадиган омиллари аниқланган ва иқтисодий баҳоланган;

- ташқи савдо сиёсати - ташқи иқтисодий стратегиянинг муҳим детерминанти сифатида эътироф этилгани ҳолда ЖСТ ҳамда UNCTAD ёндашувларига мувофиқ диссертацияда замонавий ташқи савдо сиёсатининг стратегик тамойиллари

асосланган ва модификацияланган. Бунга мувофиқ, давлат ташқи савдо режими ўртача даражаси ва тезлигининг меъёрий чегаралари таклиф этилган;

- иқтисодий ўсиш моделларидаги (Харрод-Домар ва Солоу) макроиқтисодий парадигма ҳамда экспорт рақобатбардошлигини оширишнинг назарий-концептуал ҳамда илмий асослари тадқиқидан келиб чиққан ҳолда микро, макро ва халқаро иқтисодий омиллар экспорт рақобатбардошлигининг муҳим детерминанти сифатида аниқланган;

- республика ташқи савдосида юзага келаётган диспропорциянинг сабаблари аниқланган ҳамда жаҳон амалиётидан келиб чиққан ҳолда экспортнинг хом ашёга ихтисослашганлик даражасининг меъёрий чегараси таклиф этилган. Рақобатбардошлик афзалликлари SWOT таҳлиliga мувофиқ экспортни диверсификациялаш ва жаҳон аграр озиқ-овқат бозорларида Ўзбекистон мавқеини мустаҳкамлашнинг стратегик модели асосланган;

- глобал савдо тизимига интеграциялашувнинг халқаро тажрибаси эмпирик ва эконометрик жиҳатдан тадқиқ этилган, бунга мувофиқ миллий хўжаликлар ва жаҳон иқтисодиёти ўртасидаги ўзаро боғлиқликни ифода этувчи математик чизиқли модель асосланган;

- савдо интеграцияси афзалликларидан келиб чиққан ҳолда экспортни қўллаб-қувватлашнинг “*сарик сават*” тоифасига кирувчи чора-тадбирларни “*Мовий сават*”-“*De-minimis*” ёки “*яшил сават*” тоифасига кирувчи Битим талабларига мослаштириш таклиф этилган;

- ЖСТ эркин савдо тизимига интеграция ва диверсификациялашувнинг республика ижтимоий-иқтисодий тараққиёти пировард натижаларига таъсирини баҳолашнинг кўп омилли «OLS - функционал эконометрик модели» орқали эмпирик тадқиқотлар шаффофлиги таъминланган;

- ҳамкорлик алоқаларининг тобора глобал қамров касб этаётгани шароитида ташқи савдо сиёсатини ЖСТ ЭСБ қоидаларига мувофиқ такомиллаштириш илмий асосланган (Т-жадвал. ва Концептуал жадвал.).

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** тадқиқотда халқаро савдони тартибга солувчи ташкилотлар (ICT, WTO, UNCTAD, OECD), халқаро молиявий-иқтисодий ташкилотлар (IMF, WB, IFC)нинг расмий манбалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигининг расмий статистик маълумотларидан унумли фойдаланилгани, тегишли хулоса ва таклифларнинг мутасадди ташкилотлар томонидан амалиётга жорий қилинганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти диссертацияда илгари сурилган назарий, услубий ва илмий янгиликлар ҳамда амалий таклифлардан халқаро савдо муаммоларига бағишланган илмий-тадқиқот ишларида фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти эса, Ўзбекистоннинг ЖСТ эркин савдо тизимига интеграциялашуви жараёнида ташқи савдони янада эркинлаштириш ва миллий экспорт рақобатбардошлигини ошириш амалиётида фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади. Тадқиқот ишининг назарий, услубий ва таҳлилий асослари, шунингдек, Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг магистратура босқичида “Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви”, “Жаҳон бозори

конъюнктураси”, “Халқаро молия бозорлари” ҳамда “Халқаро иқтисодий муносабатлар” фанларидан маъруза матнлари ҳамда ўқув-услубий мажмуаларни тайёрлашда фойдаланилган.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Тадқиқот давомида ишлаб чиқилган назарий, илмий ва амалий хулосалар, тавсия ва таклифлар асосидаги илмий натижалар қуйидаги тизимларда жорий қилинган:

- халқаро савдонинг барқарор иқтисодий тараққиётга таъсирини тадқиқ этиш асосида муаллиф томонидан туркумланган ва ягона тизимга келтирилган ташқи савдо сиёсатининг асосий мезонлари ҳамда стратегик йўналишларини ифодаловчи микродорий кўрсаткичлар, назарий гипотезалар ҳамда муаллифлик ёндашувлари Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг аналитик таҳлилларида қўлланилган ҳамда қўмита қошидаги Кадрлар малакасини ошириш ва статистик тадқиқотлар институтининг ўқув жараёнига татбиқ этилган (Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2021 йил 15 октябрдаги 01/1-09-15/1-176 рақамли далолатномаси). Натижада, муаллиф томонидан ташқи савдо сиёсати бўйича аниқланган ушбу мезонлар ҳамда назарий гипотезалар республика экспорт стратегияси бўйича аналитик таҳлилларни амалга ошириш ва тегишли чора-тадбирларни ишлаб чиқиш имконини берган;

- савдо интеграцияси жараёнида рақобатдош “*стратегик альянслар*” лар “*экспансияси*” ни концептуал ҳамда илмий жиҳатдан таҳлил қилиш асосида муаллиф томонидан таклиф этилган экспорт самарадорлигининг услубий такомиллаштирилган «Оптимал стратегияси» 2009-2010 йилларда Европа Иттифоқи ва ЖИДУ ҳамкорлигида амалга оширилган «Европа Иттифоқи интеграцияси бўйича таълим, ахборот ва тадқиқотчиликни қўллаб-қувватлаш» / Jean Monnet Project “Support for education, information and research activities on European Union integration” мавзуидаги қўшма лойиҳада фойдаланилган ((Project №): 154227-LLP-1-2009-1-UZ-AJM-IC (*Signed on the 15<sup>th</sup> October 2009*)) (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2022 йил 22 ноябрдаги 89-04-366 рақамли маълумотномаси). Натижада, «Оптимал стратегия» да таклиф этилган услубий ва амалий тавсиялар III-Ишчи гуруҳ: “ЕИ-Ўзбекистон бизнес ҳамкорлиги” (Working Group (WG) III - “EU-Uzbek business partnership”) томонидан ЕИ-Ўзбекистон савдо-иқтисодий алоқалари бўйича устувор йўналишларни белгилаш, статик маълумотлар ҳамда прогнозларни илмий-услубий жиҳатдан асослаш учун услубий қўлланма сифатида фойдаланилган;

- Ўзбекистон экспортининг товар номенклатураси ҳамда географик таксимотини диверсификациялаш бўйича аниқланган принципиал имкониятлар, мантиқий ва услубий жиҳатдан ташқи савдо самарадорлигини баҳолашнинг ягона тизимга келтирилган иқтисодий кўрсаткичлари, шунингдек, самарадорлик кўрсаткичларини такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган «формал алгоритмик блок схема» сидан Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси Ташқи иқтисодий фаолият ва савдо статистикаси бошқармаси томонидан ташқи савдо статистик ахборотларини шакллантириш ҳамда статистик таҳлилларда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2021 йил 15 октябрдаги 01/1-09-15/1-176 рақамли далолатномаси). Натижада, мантиқий ва услубий жиҳатдан таклиф этилган ушбу тавсиялар ташқи савдо статистик ахборотлари ҳамда статистик таҳлилларни асослашга хизмат қилган;

• савдо интеграциясининг халқаро тажрибасини эмпирик ва эконометрик тадқиқ этиш асосида Ўзбекистон ташқи савдосини ЖСТ талабларига мос тизимини такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган услубий тавсиялар ҳамда муаллифлик ҳолатидан 2009-2010 йилларда Европа Иттифоқи ва ЖИДУ ҳамкорлигида амалга оширилган «Европа Иттифоқи интеграцияси бўйича таълим, ахборот ва тадқиқотчиликни қўллаб-қувватлаш» / Jean Monnet Project “Support for education, information and research activities on European Union integration” мавзусидаги қўшма лойиҳада фойдаланилган ((Project №): 154227-LLP-1-2009-1-UZ-AJM-IC (Signed on the 15<sup>th</sup> October 2009)). (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2022 йил 22 ноябрдаги 89-04-366 рақамли маълумотномаси). Ушбу таклиф ва тавсиялардан II-Ишчи гуруҳ: “ЕИ ва Ўзбекистон қонунчилигини ўзаро яқинлаштириш” (Working Group (WG) II - “Legal approximation of EU-Uzbek legislations”) инвестиция, божхона, солиқ соҳасида Европа ва Ўзбек миллий қонунчилигини ўзаро яқинлаштириш масалалари ҳамда III-Ишчи гуруҳ: “ЕИ-Ўзбекистон бизнес ҳамкорлиги” (Working Group (WG) III - “EU-Uzbek business partnership”) томонидан ЕИ-Ўзбекистон савдо ва иқтисодий алоқалари бўйича устувор йўналишларни белгилаш ҳамда услубий жиҳатдан асослашда фойдаланилган;

• ЖСТ интеграцияси ҳамда ташқи савдо диверсификациясининг миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигига таъсирини баҳолашнинг кўп омилли «OLS - функционал эконометрик модели» таклиф этилган (Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2021 йил 15 октябрдаги 01/1-09-15/1-176 рақамли далолатномаси). Мазкур модель, ундаги услубий ишланмалар ҳамда эконометрик модель натижалари қўмита қошидаги Кадрлар малакасини ошириш ва статистик тадқиқотлар институтида илмий-тадқиқотлар олиб бориш жараёнида статистик кўрсаткичлар тизими ва уларнинг эконометрик моделларини такомиллаштиришга хизмат қилган;

• ЖСТ интеграцияси жараёнида миллий экспорт рақобатбардошлигини оширишнинг 16 босқичли стратегик концептуал модели таклиф этилган. Мазкур концептуал моделда илгари сурилган услубий ва амалий тавсиялардан Ўзбекистон Республикасининг экспорт стратегияси концепциясини ишлаб чиқиш амалиётида фойдаланилган. (Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институтининг 2021 йил 2 декабрдаги 02-1/1393 рақамли далолатномаси). Таклиф этилаётган ушбу концептуал моделнинг амалиётга татбиқ этилиши экспортёр корхоналарда ишлаб чиқаришни 2,5-3 баробарга ошириш имконини беради.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Диссертациянинг асосий илмий ва амалий натижалари 21 та халқаро ва 34 та республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда муҳокама қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертациянинг асосий мазмуни бўйича жами 89 та илмий иш, жумладан: 5 та монография (1 таси Yelm, WA, USA), 1 та дарслик, 3 та ўқув қўлланма, Ўзбекистон Республикаси ОАКнинг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш бўйича тавсия этилган республика ва хорижий илмий нашрларда 46 та илмий мақолалар, 35 та илмий-амалий конференциялар тезислари чоп этилган.


**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ишининг умумий ҳажми 216 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** (диссертация аннотацияси) қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурлиги, илмий тадқиқот ишлари режалари ва фан-технологиялар ривожланишининг устувор йўналишлари билан боғлиқлиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, жорий қилиниши, апробацияси, ҳажми ва тузилиши ёритиб берилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Халқаро савдо ривожланишининг назарий-услубий ва илмий асослари”** деб номланган бўлиб, глобал иқтисодий трендларга мувофиқ, халқаро савдонинг миллий хўжаликлар иқтисодий интеграцияси ҳамда барқарор иқтисодий тараққиётга таъсири назарий-услубий жиҳатдан асосланган. Омиллари туркумланган.

Таъкидлаш жоизки, халқаро савдо туфайли чексиз эҳтиёжлар қондирилади, аҳоли фаровонлик даражаси юксалади. М.Портер таъбири билан айтганда, “халқаро савдо мамлакатларнинг нисбий устунликка эришиши гаровидир”<sup>59</sup>. Дарҳақиқат, XX асрнинг иккинчи ярмидан эътиборан халқаро алмашинув “портловчи характер” касб этди (М.Пebro). Ғарб мутахассисларининг фикрича, 1950-70-йиллар оралиғидаги давр халқаро савдо ривожланишининг “олтин асри” даври бўлди. ЖСТ экспертлари томонидан амалга оширилган тадқиқотлар ҳам буни тасдиқлади. 1990-2000 йиллар оралиғида халқаро савдонинг барқарор ўсиши, 2008-2009 йиллардаги жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози таъсирида пасайиш аломатлари, 2019-2021 йиллар оралиғида эса, бироз жонланиш кузатилди. Буни йиғма жадвал графиги тренди кўринишида қуйидагича тасвирлашимиз мумкин (1-расм.).



**1-расм. Халқаро савдо тенденциясининг йиғма жадвал графиги тренди (ўсиш суръати %да)**

**Манба:** Муаллиф ишланмаси. Манбалар асосида: 1.UN COMTRADE ва ИТС статистикаси.; 2. Авдокушин ЕФ. Новая мировая экономика. О некоторых чертах новой мировой экономики. //Вопросы новой экономики • № 1 (29) 2014. - сс 6-16.; 3. Economic Survey Of Europe 2003.

<sup>59</sup> Michael E. Porter. Towards a Dynamic Theory of Strategy.//Strategic Management Journal, Vol. 12, 95-117 (1 991).

Бинобарин, сўнгги пайтларда халқаро савдо географиясида ҳам кескин ўзгаришлар кузатилмоқда. ЖСТ экспертларининг башоратларига қараганда, бу мамлакатларнинг жаҳон бозорида эгаллаган мавқеига таъсир кўрсатмоқда<sup>60</sup>.

М.Портер назарияларида таъкидлаганидек, халқаро рақобатдаги миллий устунликлар, айнан, давлат стратегик иқтисодий сиёсатига бевосита боғлиқдир. Дарҳақиқат, миллий иқтисодиёт тадрижий ривожланиб боргани сари нисбий устунлик позицияси муқаррар ўзгаради. Ташқи савдонинг миллий иқтисодиётлар учун аҳамиятини янада ошириш талаб этилади.

Бизнингча, ташқи иқтисодий сиёсат - бу халқаро бозорларда маҳаллий экспортёрларнинг эркин ҳаракат қилишини таъминлашга қаратилган стратегиядир. Экспорт стратегияси эса, маълум турдаги товар (маҳсулот) ёки хизматларни экспортга чиқариш ҳамда жаҳон бозорларини забт этишга қаратилган комплекс чора-тадбирлар тизимидир.

Маълумки, эркин савдо (инглизча *“free trade”*) А.Смитнинг *“кўринмас қўл”* ҳамда Д.Рикардонинг *“тунги қоровул”* тамойилларига асосланган сиёсатдир. *“Янги саноат протекционизми”* асосчиси Ф.Лист эркин савдони дунё халқларининг пировард мақсади ва халқаро ривожланишнинг *“муҳим инструменти”* сифатида улуғлади.

Мос равишда, дунё мамлакатлари томонидан қўлланиб келинаётган савдо сиёсати режимларини қуйидагича ифодалашимиз мумкин (1-жадвал).

1-жадвал

### Ташқи савдо сиёсати режимлари

| Ўртача ўлчанган тариф (%) да |                             | тақиқланган | чекланган |       | мўтадил |       | очик  |      | эркин |
|------------------------------|-----------------------------|-------------|-----------|-------|---------|-------|-------|------|-------|
|                              |                             | 40-100      | 25        |       | 10-15   |       | 5-10  |      | 0     |
| Савдо сиёсати мезонлари      | Савдони қоплаш улуши (%) да | 40          | 25        | 10    | 0-10    | 10-25 | 10-25 | 0-10 | 0     |
|                              | Тезлик даражаси             | юқори       | ихтиёрий  | юқори | юқори   | ўрта  | паст  | ўрта | 0     |

**Манба:** Таҳлилий маълумот асосида./Информационный бюллетень МВЭС РУз., 2001 г., - 39 с.

Маълумки, давлат савдо режимининг хусусияти унинг қаттиқлик даражасига боғлиқ бўлиб, бизнингча, бу кўрсаткич, божхона тарифи ҳамда микдорий чеклашларнинг ўртача даражаси ва тезлигига кўра аниқланиши лозим. Халқаро амалиётга мувофиқ, бож ставкаларининг ўртача даражаси 10% дан паст бўлганда ҳамда маъмурий-техник чекловлар импортнинг 25% ини қоплаганда, унинг тезлиги паст ва очик хусусият касб этиши зарур. Бу эса, ЖСТнинг тариф профили қоидалари ва мезонларига тўлиқ мос келади.

Зеро, ташқи савдо сиёсати - ташқи иқтисодий стратегиянинг муҳим детерминанти сифатида миллий экспорт халқаро рақобатбардошлигининг муҳим қафолатидир.

<sup>60</sup> Глобал иқтисодиёт қўламида 80:20 нисбатнинг юзага келганлиги.

Тадқиқот ишининг иккинчи боби **“Глобаллашув жараёнида миллий экспорт рақобатбардошлигини ошириш услубияти”** деб номланган бўлиб, бунда экспорт халқаро рақобатбардошлигининг назарий-концептуал жиҳатлари илмий асосланган. Замоनावий иқтисодий ривожланишининг стратегик масалалари тадқиқ этилган.

Халқаро рақобатбардошлик муҳим иқтисодий категория ҳамда тадқиқот аппаратининг муҳим элементи сифатида ҳар қандай миллий иқтисодиёт ривожланишининг асосий омили ҳисобланади ва унинг жаҳон иқтисодиётидаги ўрнини белгилашда алоҳида ўрин тутади.

Глобаллашув жараёнида экспорт рақобатбардошлигини оширишнинг назарий-концептуал ҳамда илмий асосларининг тадқиқи замоनावий иқтисодий ривожланиш шароитида миллий экспорт рақобатбардошлигини таъминлашнинг стратегик масалаларига муҳим эътибор қаратиш зарурлигига ишора қилади.

XX асрнинг 70-80-йилларидан эътиборан, ғарб иқтисодчилари ўз тадқиқотларида халқаро рақобатбардошликни баҳолаш услубиятини такомиллаштиришга аҳамият бериб келдилар.

Агар 90-йиллар бошларида М.Портер: «...фақат фирмалар рақобатлашади, мамлакатлар эса рақобат ривожланадиган макон вазифасини ўтайди», деб ёзган бўлса, XXI аср бошларида эса, рақобат, айнан, мамлакатлар ва интеграция гуруҳлари ўртасида кескин тус олганлигига ишонч ҳосил қилиш мумкин.

Халқаро рақобат назарияси тарафдорлари (Ж.Харт, Х.Жорж, П.Кругман, Л.Саммерас, Б.Скотта, Р.Нельсон, Р.Рич ва б.) ҳам миллий иқтисодиётлар рақобатбардошлиги услубий аппаратини таҳлил қилишда, айнан, интеграциялашув омилига алоҳида эътибор қаратганлар.

Сўнгги йилларда эса, халқаро рақобатбардошлик мезонлари ва омилларини аниқлаштиришга бағишланган тортишувлар ва илмий-тадқиқот ишларининг тобора глобал қамров касб этаётганига гувоҳ бўлиш мумкин.

Тўғрироғи, ушбу мавзу ўзаро рақиб ҳисобланган икки гуруҳ тадқиқотчилари - Жаҳон Иқтисодий Форуми (Женева, Швейцария) ҳамда Менежментни ривожлантириш институти (Лозанна, Швейцария) ўртасида қизғин мунозараларга сабаб бўлмоқда<sup>61</sup>. Улар рейтинг кўрсаткичлари бўйича назарий ёндашувларнинг адекватлиги учун доимий рақобатлашиб келмоқдалар.

Гарчи Жаҳон Иқтисодий Форуми «Ҳисоботи» ҳозирда мамлакатлар рақобатбардошлигини баҳолашнинг кенг тарқалган тизими сифатида эътироф этилаётган бўлса-да, халқаро рақобатбардошликни баҳолашнинг ноёб концепцияси ҳанузгача ишлаб чиқилмаганлигига гувоҳ бўлиш мумкин.

Шунга қарамасдан, халқаро рақобат механизмлари, 1980 йилларда номарказлашув жараёнлари ёппасига бошлаб юборилган ва ҳамон давом этаётган Хитой ва бошқа очиқ иқтисодиётга эга мамлакатларда, айниқса, ўзини кенг намойиш этиб келмоқда.

У нафақат рейтингнинг юқори поғонасидаги мамлакатлар тажрибасини ўрганишга бўлган қизиқишнинг ортишига, балки қуйи поғонасидаги

---

<sup>61</sup> «The Global Competitiveness Report» - «Глобал Рақобатбардошлик Ҳисоботи» ҳамда «World Competitiveness Yearbook» - «Жаҳон Рақобатбардошлик Йилномаси» жамоатчилиги муҳокамасига сабаб бўлмоқда.


мамлакатларда иқтисодий сиёсатни яхшилашга бўлган рағбатнинг кучайишига ҳам сабаб бўлмоқда.

С.Гареллининг таъбири билан айтганда: «... Рақобатбардошлик механизмларини тушуниш барчамизнинг эҳтиёжимиздир»<sup>62</sup>.

Мамлакатлар рақобатбардошлиги рейтингининг яратувчилари ҳамда ғоявий ташаббускорлари – Ж.Сакс ҳамда А.Уорнерларнинг таъкидлашича, рейтинг иқтисодий нуқтаи назардан дунё мамлакатларидаги истиқболли ўсиш салоҳияти нисбатига боғлиқдир<sup>63</sup>.

М.Портернинг таъкидлашича, ташқи бозорларга чидамли рақобат муҳити – динамизм ва миллий саноат инновациясига асосланади. Фикримизча, иқтисодиёт рақобатбардошлигини оширишнинг асосий мақсади мавжуд табиий ва инсон ресурсларидан оқилона фойдаланган ҳолда миллий экспорт салоҳиятини юксалтиришга қаратилмоғи лозим.

Экспорт самарадорлигини таъминлашнинг оптимал стратегиясини танлаш, бизнингча, қуйидаги беш муҳим қарорнинг қабул қилинишига бевосита боғлиқдир (1-чизма).



1-чизма. Экспорт самарадорлигини оширишнинг «Оптимал стратегияси»

Манба: Муаллиф ишланмаси./Таҳлилий маълумотлар асосида.

Халқаро бозорларда стратегик альянсларнинг монопол мавқеи ўрнатилган бир шароитда экспорт самарадорлигини оширишнинг «Оптимал стратегияси»га


<sup>62</sup> Garelli S. The Four Fundamental Forces of Competitiveness //The World Competitiveness Report 1997, IMD.

<sup>63</sup> Sachs J.D., Warner A.M. The World Competitiveness Report. 2000. //http://web.mit.edu/

таяниш - экспортёрлар халқаро рақобатбардошлиги позициясини мустаҳкамлаш ҳамда жаҳон бозори конъюктурасининг доимий ўзгариб боровчи “инжиқ” шарт-шароитларига тезкор мослашиш имконини беради.

“Ўзбекистон иқтисодиётининг ривожланишига ташқи савдонинг таъсири” деб номланган учинчи бобда Ўзбекистон ташқи савдо сиёсатининг асосий йўналишлари ва ривожланиш тенденциялари таҳлил этилган. Рақобатбардошлик афзалликлари SWOT таҳлилига мувофиқ республиканинг жаҳон бозоридаги мавқеини мустаҳкамлаш имкониятлари иқтисодий баҳоланган. Шунингдек, ташқи савдо самарадорлиги кўрсаткичлари тизимининг услубий такомиллаштирилган модели таклиф этилган.

Сўнгги ўн йилликларда ташқи савдони диверсификациялаш ва замонавий инновацияларни жорий этиш ислохотлари Ўзбекистонда трансформация жараёнини янги босқичга олиб чиқди. Экспортининг диверсификация қилиниши 2000-2016 йилларда ташқи савдо айланмасида ижобий сальдони таъминлади (2-расм). Экспорт таркибида қўшилган қийматга эга тайёр маҳсулотлар ва хизматлар улуши ортди.



2-расм. Ўзбекистон Республикаси ташқи савдоси динамикасининг лепест график модели, 1994-2021 й.й. (млн. долл)


Манба: Муаллиф ишланмаси./Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида//<https://stat.uz/uz/>

2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегияси ташқи савдо амалиётида янги даврни бошлаб берди. 2017-2021 йиллар оралиғида

республика ташқи савдо сиёсатида бир қатор ижобий ютуқлар қўлга киритилди<sup>64</sup>. Божхона тўловларининг қарийб икки баробарга қисқартирилиши: 2017 йилда ташқи савдо айланмасини 26,5 млрд. АҚШ доллариға (2000 й. га нисбатан қарийб 4,3 баробарга), 2019 йилда 41,75 млрд. АҚШ доллариға (2000 й. га нисбатан қарийб 6,7 баробарга), 2021 йилда эса, 42,17 млрд. АҚШ доллариға (2000 й. га нисбатан қарийб 6,8 баробарга) кўпайишини таъминлади.

Бироқ, 2017 йилдан эътиборан, экспортга нисбатан импорт устуворлиги кузатилди. 2017 йилда ташқи савдо айланмасининг 47,3%и экспорт, 52,7%и импорт хиссасига тўғри келган бўлса, 2021 йилда, мос равишда, экспорт - 39,6% ни, импорт - 60,5% ни ташкил этди. Тўлов баланси методологияси бўйича ташқи савдо сальдосидаги салбий қолдиқ - 2017 йилда (-) 1,5 млрд. АҚШ доллари, 2019 йилда (-) 6,8 млрд. АҚШ доллари, 2021 йилда эса, (-) 8,8 млрд. АҚШ доллариға тенг бўлди.

Ўзбекистон Республикаси ТИФ индикаторларининг 1994-2021 йиллар оралиғидаги ривожланиш тенденциясининг чизиксиз таҳлили мамлакатимиз ташқи савдо айланмаси, экспорти ва импортининг симметрик, бироқ беқарор (фалаж) ҳолатда ривожланиб келганини намоиш этади (3-расм.).



**3-расм. Республика ТИФ индикаторларининг 1994-2021 йиллар оралиғидаги чизиксиз тренд моделлари (ўсиш суръати, %да)**

**Манба:** Муаллиф ишланмаси./Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида//<https://stat.uz/uz/>

Мазкур ҳолат детерминация коэффицентида ўз аксини топган бўлиб, унга кўра, ташқи савдо айланмаси, экспорт ва импортнинг 6-тартибли полином функцияси бўйича уларнинг вақт омили билан ҳосил қилган зичлик даражаси,

<sup>64</sup> 2017 йилда ташқи савдонини эркинлаштириш мақсадида: миллий валюта бозори ислоҳ қилинди; 3,5 мингга яқин товарлар бўйича бож миқдори, 800 га яқин товарлар бўйича акциз солиғи ставкаси камайтирилди; экспорт қилишда олдиндан тўлаш ва кафолатлаш мажбуриятлари бекор қилинди.

мос равишда,  $R^2 = 0,4139$ ,  $R^2 = 0,4958$  ва  $R^2 = 0,2875$  қийматларни намоиш этади. Экспортнинг динамикаси ташқи савдо айланмаси ҳамда импортга нисбатан барқарор ҳисобланса-да, детерминация коэффициентининг нисбатан кичиклиги ( $R^2 < 0,8$ ) биз кутган натижани бермайди.

Гарчи республика экспортини кенгайтиришнинг истиқболли устувор йўналишларидан бири сифатида озиқ-овқат ва тўқимачилик саноати маҳсулотларини яқин ва узоқ хорижий мамлакатлар бозорларига экспорт қилишга устувор аҳамият берилаётган бўлса-да, экспорт таркибида ҳамон хом ашё товарлари устунлик қилиб келаётганига шохид бўлиш мумкин.

Хом ашё товарлари орасида ипак, қора ва рангли металллар, энергия манбалари ва қимматбаҳо тошларнинг мамлакат экспортидаги улуши ўсиб бориш тенденциясига эга. 2017 йилда – 46,1% ни, 2019 йилда – 50,4% ни, 2021 йилда – 45,7% ни ташкил этган. Бу эса жаҳон амалиётида кузатилиши мумкин бўлган даража (7-10%) дан юқори бўлиб, оқибатда, иқтисодиётнинг хом ашёга бўлган ихтисослашувининг кучайишига ва тўлов балансининг жаҳон бозорлари конъюнктурасига тўғридан-тўғри боғланиб қолишига сабаб бўлмоқда.

Айрим иқтисодий адабиётларда ташқи савдо, экспорт ҳамда импорт квотаси иқтисодиёт очиқлигининг биринчи даражали индикаторлари сифатида эътироф этилади. Бироқ улар ҳар доим ҳам тўлиқ акс эттира олмайди. Бунга мувофиқ, диссертациянинг III боб, 3.3.-параграфида миллий иқтисодиёт очиқлиги ҳамда ташқи савдо самарадорлигини баҳолашнинг замонавий тушунчалари ва кўрсаткичлари таҳлил этилган ҳамда услубий такомиллаштирилган тизими 3.3.1-иловада таклиф этилган.

Услубий такомиллаштирилган мазкур кўрсаткичлар тизимидан Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг Ташқи иқтисодий фаолият ва савдо статистикаси бошқармасида ташқи савдо статистик ахборотларини шакллантириш ҳамда статистик таҳлилларда фойдаланиб келинмоқда.

Халқаро рақобат назарияларида қайд этилганидек, глобал рақобатбардошликнинг миллий иқтисодиётларга таъсирини турли моделлар орқали намоиш этиш мумкин. Халқаро рақобатбардошлик парадигмасига мувофиқ иқтисодий ривожланишни рағбатлантиришнинг фаол стратегияларига ўтиш соф рақобат шароитида “*фаворитизм*”га йўл қўймасликнинг ягона йўлидир. Бу, сўзсиз, таркибий қайта қуриш ёки янгилаш (яъни инновация) орқали фаолият самарадорлигига эришишнинг муҳим қафолатидир<sup>65</sup>.

Чень-Роландга мувофиқ, мазкур функция қуйидаги моделга бўйсунди:

$$Y = F(K, I) \quad (1)$$

бунда:  $K$  - капитал;  $I$  - инфратузилма;  $Y$  - ялпи даромад;  $F$  - улар ўртасидаги функционал боғлиқлик.

Тадқиқотларнинг гувоҳлик беришича, капиталнинг мамлакатга оқиб киришида нафақат бозор инфратузилмаларининг етарли даражада яратилганлиги, балки инновацион иқтисодиётнинг етарли даражада ривожлангани ҳам муҳим роль ўйнайди. Бизнингча,

<sup>65</sup> Бу механизм Д.Сорс томонидан иқтисодиётдаги “*рефлексивность*” номи билан қайд этилган.

$$Y = F(K, L, N) \quad (2)$$

ишлаб чиқариш функцияси стандарт моделидан келиб чиққан ҳолда, рақобатбардош тармоқлар ишлаб чиқариш функциясини қуйидагича ифодалашимиз мумкин:

$$Y = F(K, I, Innov) \quad (3)$$

Бунда:  $K$  - иқтисодий тармоқларига йўналтирилган капитал;  $I$  - иқтисодий тармоқларига инфратузилма харажатлари;  $Innov$  - иқтисодий тармоқларига инновация харажатлари.

Бу эса қуйидаги формал моделни шакллантириш имконини беради:

$$\left\{ \begin{array}{l} K = \sum_{i=1}^n K_i \\ GR = \sum_{i=1}^n F_{K,I,Innov}(K_i, I_i, Innov_i) - F_{K,I}(K_i, I_i) \end{array} \right\} \quad (4)$$

Бунда:  $i = 1, \dots, n$ ,  $n$  – тармоқлар сони,  $K_i$  -  $i$ -чи тармоққа жалб қилинадиган хорижий капитал;  $I_i$  -  $i$ -чи тармоққа инфратузилма харажатлари;  $Innov_i$  -  $i$ -чи тармоққа инновация харажатлари;  $GR$  – ортган ялпи даромад.

Ушбу модель инвестиция, инфратузилма ва инновация орқали капитал қайтими ёки ялпи даромаднинг ортиши ҳисобига кўриладиган мамлакат ютуғини ифода этади. Буни ҳисоблашнинг таклиф этилаётган алгоритми эса, қуйидаги кўринишни намоён этади (қ. 1-шакл.).


Халқаро рақобат назарий формал моделларининг қараб чиқилиши қуйидаги хулосаларга келиш имконини беради: давлат молиясидан фойдаланиш самарадорлиги ортади; хуфёна иқтисодий, яъни сиёсий рентадан фойдаланиш имкониятлари чегараланади; иқтисодий агентлар (корхона, ташкилот, фирма ва компаниялар)ни таркибий қайта қуриш ва модернизациялашга бўлган рағбат кучаяди; инновацион иқтисодий ҳамда мамлакат экспортини рағбатлантириш учун замин яратилади.

Зеро, халқаро рақобатбардошлик, айнан, иқтисодийда бозор рақобати муҳитини шакллантириш ва унинг инфра ҳамда институционал таъминоти самарадорлигини оширишга узвий боғлиқдир.

Рақобатбардошлик муҳити, нафақат миллий иқтисодийлар кўламида содир бўладиган жараёнларда, балки иқтисодий ривожланишнинг халқаро тенденцияларида ҳам намоён бўлади.

Жаҳон хўжалиги тизимида содир бўлаётган бу каби етакчи тенденциялар сифатида: глобаллашув ва интеграция жараёнларининг қарор топаётганини алоҳида таъкидлаш зарур. Булар нафақат рақобат муҳитига, балки миллий иқтисодийлар халқаро рақобатбардошлиги даражасига ҳам таъсир этувчи муҳим омиллардир.

Диссертациянинг тўртинчи боби “Халқаро савдони тартибга солиш механизми ва савдо интеграциясининг экспорт ривожига таъсири” деб номланган. Глобал савдо тизимига интеграциялашувнинг халқаро тажрибаси эмпирик ва эконометрик жиҳатдан тадқиқ этилган. Ўзбекистоннинг ЖСТга аъзо бўлиши амалиёти, муаммолари ва афзалликлари иқтисодий баҳоланган.



**1-шакл. Очик иқтисодиёт шароитида капитал қайтими ёки ялпи даромаднинг ортиши алгоритми**  
**Манба:** Муаллиф ғояси ва ишланмаси.

Маълумки, иқтисодий интеграция ва глобаллашув шароитда миллий хўжаликларнинг ўзаро бир-бирига боғлиқлиги даражаси тобора ортмоқда.

90-йилларга қадар жаҳон иқтисодиётининг миллий хўжаликларга боғлиқлиги даражасини:

$$y(x) \approx f(x_1+x_2+ \dots +x_n) \quad (5)$$

деб ифодаладиган бўлсак, глобаллашув шароитида миллий хўжаликларнинг жаҳон иқтисодиётига боғлиқлиги даражасини:

$$f(x) \approx x_1+x_2+ \dots +x_n \quad (6)$$

математик чизиқли модель кўринишида ифодалашимиз мумкин.

Бу ерда:  $y(x)$  – жаҳон иқтисодиёти,  $x$  – миллий иқтисодиётлар (асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар бўйича),  $f(x)$  – боғлиқлик функцияси.

Миллий хўжаликлар ва жаҳон иқтисодиёти ўртасидаги ўзаро боғлиқликни ифода этувчи ушбу математик чизиқли модель “демонстратив” ҳамда “домино” самараси туфайли халқаро иқтисодиёт соҳасида сифат жиҳатдан янги иқтисодий муҳит қарор топаётганлигини тасдиқлайди.

Бундай вазиятда мамлакатларнинг жаҳон иқтисодиётида юзага келаётган янги шарт-шароитларга тезкор мослашиши ҳамда рўй бераётган глобаллашув жараёнларига “адекват” тарзда ёндашишлари талаб этилади.

Олиб борилган илмий-тадқиқот натижалари глобаллашувнинг халқаро иқтисодий тараққиётга таъсири тўғри чизиқли бўлмаган ривожланиш тенденциясини намоён қилаётганига ишора қилади. Бунга биринчи сабаб: норақобатбардош ишлаб чиқаришларнинг “деградацияланиши” оқибатида, минтақавий ёки глобал беқарорликнинг ортиб бораётганлиги бўлса, иккинчи сабаб: ташқи қарздорлик оқибатида кам тараққий этган давлатларнинг жаҳон бозори конъюнктурасига боғланиб қолаётганлигидир.

Табиий савол туғилади: *Охир-оқибатда глобаллашув мамлакатларга таҳдид олиб келадими ёки янги имкониятлар?*


Бу саволга яқдил жавоб қайтариш қийин, албатта. Аммо “бир муҳим ҳақиқат”га эътиборни қаратиш зарур: глобаллашув ҳозирги замонавийликнинг объектив ва мутлақо қочиб бўлмайдиган жараёнидир<sup>66</sup>.

Қатор муаллифлар образли қилиб ифода этаётганидек, глобаллашув “ачитқиси” озодликка чиқди ва уни яна қайтадан шиша идишга қамаш учун ҳаракат қилиш ярамайди<sup>67</sup>.

Bertelsmann фонди ҳамда KOF Swiss Economic Institute экспертлари томонидан амалга оширилган тадқиқотлар савдо интеграциясининг глобаллашув суръатига таъсири 1990 йилларда юқори бўлганини, 2000 йиллар бошларида эса, энг юқори кўрсаткичларни намоёйиш этганлигини тасдиқлади. Таҳлил даврида “глобаллашув индекси медиани” сўнгги ўттиз йилда 44 пунктдан (1990 йиллардаги) 64 пунктга (2018 йилда) кўтарилгани маълум бўлди (қ. 4-расм).

<sup>66</sup> Долгов С.И. Глобализация экономики: новое слово или новое явление? – М.: ОАО «Изд-во «Экономика», 1998. - С.20.

<sup>67</sup> 1.Мартин Г.П., Шуман Х. Западная глобализация: атака на процветание и демократию/ Пер. с нем. – М.: Издательский дом «АЛЬПИНА», 2001 - 335 с.; 2. Веселовский С. Я. Глобализация и проблема неравенства доходов в современном мире. /Отдел глобальных проблем ИНИОН РАН, - М., 2017. //http://inion.ru/



**4-расм. Глобаллашув индексида дунё мамлакатларининг тугган ўрни (1990-2018 й.й.)\***

**Манба:** Муаллиф ишланмаси. Тахлийий маълумотлар асосида. /1. Johann Weiß, Dr. Andreas Sachs, Heidrun Weinelt, Prognos AG, München.

Globalization Report 2018./© 2018 Bertelsmann Stiftung //https://www.bertelsmann-stiftung.de/fileadmin/files/;

2. KOF Globalization Index - 100 most globalized countries 2018//https://kof.ethz.ch/en/forecasts-and-indicators/indicators/kof-globalisation-index.html

\*Изоҳ: Мазкур давлатларда глобаллашув индекси 50 дан юқори ва ўрни 1-50 гача.

Фикримизча, глобаллашувнинг иқтисодий ўсишга таъсирини икки босқичли ҳисоблаш усули ёрдамида аниқлаш мақсадга мувофиқ:

- дастлаб, ҳар бир мамлакат учун глобаллашув даврида турғун (статик) ҳолатида бўладиган ўсиш суръатларини аниқлаш учун математик ҳисоблаш усулини танлаш;

- кейинчалик, глобаллашув индексининг ҳар йилги ўзгариши ялпи ички маҳсулотга ҳисобланган глобаллашув таъсирига кўпайтирилади ва ўсиш суръатларининг тарихий кўрсаткичларидан айириб ташланади.


Бунга мувофиқ аҳоли жон бошига ЯИМнинг ўсиши Гамма функцияси формуласига мувофиқ қуйидаги тенглама орқали ҳисобланади:

$$\Gamma(z) = \frac{GDP_t}{POP_t} = \frac{GDP_{1990}}{POP_{1990}} * \prod_{k=1991}^t \left( 1 + \frac{g_k - 0,31 * (GI_k - GI_{k-1})}{100} \right), \gamma \approx 0,577216 \quad (7)$$

Бу ерда:  $GDP_t$  - ЯИМнинг тарихий ўсиши,  $POP_t$  - аҳолининг  $t$  йилдаги ўсиши,  $(g_k)$  - ЯИМнинг фоиздаги тарихий ўсиши,  $GI_k$  - глобаллашув индексининг  $t$  йилдаги қиймати;  $t$  - 1990-2018 й. гача давр оралиғи.

Моделга мувофиқ, глобаллашув индекси суръатининг 1,0 пунктга ўзгариши, бизнингча, аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи ички маҳсулотнинг йиллик ўртача 0,57 пунктга ўсишини таъминлаши мақсадга мувофиқдир. Ваҳоланки, Bertelsmann фонди ҳамда KOF Swiss Economic Institute экспертлари глобаллашув индекси суръатининг 1,0 пунктга ўзгариши, аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи ички маҳсулотнинг йиллик ўртача 0,33 фоиз пунктга ўсишини таъминлайди, деган фаразни илгари сурганлар.

«Контрацептив ўсиш» – «contraceptive growth» траекторияси эса, жаҳон миқёсида эришилган ютуқ глобаллашувнинг кумулятив таъсирида нисбатан юқори бўлганини тасдиқлайди (5-расм).



5-расм. Глобаллашув оқибатида дунё ЯИМси ва даромадларининг ўзгариш тенденцияси

Манба: Prognos 2018. Johann Weiß, Dr. Andreas Sachs, Heidrun Weinelt, Prognos AG, München. Globalization Report 2018./© 2018 Bertelsmann Stiftung/<https://www.bertelsmann-stiftung.de/fileadmin/files/>

Гарчи иқтисодий либерализм ва неолиберализм концепцияси инфляция, халқаро савдо ва тўлов балансидаги номуносивликлар сабаб, иқтисодий жараёнларни тартибга солиш ножиоз, деб ҳисоблаётган бўлса-да, глобаллашув шароитида халқаро савдонинг UNCTAD (БМТ) ҳамда ЖСТ доирасида тартибга солиниши тобора долзарб аҳамият касб этмоқда ҳамда миллий иқтисодиётларда “*кўлам самараси*” афзаллигини таъминламоқда.

Ҳозирда дунё ҳамжамиятининг диққат маркази АҚШ томонидан қўлланиб келинаётган “*критик*” савдо сиёсатига қаратилмоқда. Пўлат ва алюминий импортига нисбатан 25% ва 10% ли, автомобиллар импортига эса, 20% ли тарифларнинг аллақачон жорий этилгани, айниқса, ғарбий ярим шарда жиддий “*эскалация*”ларга сабаб бўлмоқда<sup>68</sup>.

Чекланган интенсификация эга бўлган ушбу сиёсат, ҳанузгача дунё савдосининг ўсишини таъминлаётган бўлса-да, эълон қилинган тарифлар дунё йиллик савдосининг қарийб 17 трлн. АҚШ долларидан ортиқ қисмига таъсир этганлигини<sup>69</sup> эсдан чиқармаслик лозим.

Бизнингча, ҳимоя чора-тадбирларининг ақл-идрок билан қўлланилиши, ҳар қандай мамлакатда савдони эркинлаштириш жараёнида вужудга келиши мумкин бўлган тўсиқларни бартараф этиш кафолатидир<sup>70</sup>. Бунда ЖСТ ТРМ механизми “... шубҳасиз, кўп томонлама савдо тизимининг муҳим устунидир”<sup>71</sup>.

ЖСТга аъзо бўлишда Ўзбекистон олдида қўйилаётган талаблар даъвогар мамлакатларга нисбатан қўлланиладиган талабларга тўла мос келаётганига қарамадан, интеграциялашув жараёни тарихан узоқ вақтни талаб этмоқда.

Маълумки, «ривожланаётган давлат» мақоми ЖСТда муайян ҳуқуқлар ва имтиёзларнинг берилишини кафолатлайди. Ўзбекистоннинг ЖСТга аъзо бўлишида SVEs ёки LDCs мақоми ривожланаётган мамлакатлар учун рухсат этилган «*Умумий Имтиёзлар Тизими - GSP*» дан фойдаланиш имконини беради. Савдо интеграциясининг муваффақиятли ҳал этилиши, ташқи савдо кўламида қатор афзалликларни таъминлашига муҳим эътиборни қаратган ҳолда экспортни қўллаб-қувватлашнинг “*сарик сават*” тоифасига кирувчи чора-тадбирларни “*Мовий сават*”-“*De-minimis*” ёки “*яшил сават*” тоифасига кирувчи Битим талабларига мослаштириш талаб этилади. Шунингдек, савдо интеграцияси, рақобатдош саноат «*export promotion*» ни энгиллаштиради.

Диссертациянинг “**ЖСТга аъзо бўлиш жараёнида ташқи савдони янада эркинлаштириш ва миллий экспорт рақобатбардошлигини ошириш истиқболлари**” деб номланган бешинчи бобида савдо интеграцияси босқичида диверсификациялашнинг кўп омилли функционал эконометрик модели таклиф этилган. Миллий экспорт рақобатбардошлигини оширишнинг асосий йўналишлари ва стратегик концептуал модели илмий асосланган.

<sup>68</sup> 2014 йилдан эътиборан бундай сиёсатларни энгиллаштиришга бўлган уринишлар ҳамон давом этаётган бўлса-да, натижавийлиги ҳамон пастлигича қолмоқда.

<sup>69</sup> International trade statistics. //https://www.trademap.org/tradestat/Bilateral\_TS.aspx?

<sup>70</sup> Маълумки, XX асрнинг дастлабки ўн йилликларидаги савдони чеклаш сиёсати «Буюк Депрессия»ни чуқурлаштириб, савдо урушларига сабаб бўлган эди.

<sup>71</sup> ТРМ механизми 1989 йил (5-8 апрель) Уругвай савдо музокаралари доирасида ГАТТнинг Савдо музокаралари қўмитаси (GATT Contracting Parties)нинг қарори билан тузилган. Австралия, Марокаш ва АҚШ ўз савдо сиёсатларини қайта кўриб чиққан (1989 й. декабрь) биринчи учлик мамлакатларидир.

ЖСТга тенг ҳуқуқли аъзо бўлиш – узоқ муддатли истиқболда ҳар қандай миллий иқтисодиёт ривожига ижобий таъсир кўрсатади. Бироқ қисқа муддатли истиқболда у миллий хўжалик тараққиёти учун айрим муаммоларни юзага келтириши ҳам мумкин.

Шу сабабли, миллий иқтисодиёт кўламида эришиладиган фойда ва кутилиши мумкин бўлган зарарларни илмий жиҳатдан чуқур таҳлил этиш ва иқтисодий баҳолаш ЖСТда иштирок этишнинг дастлабки босқичларида ўта муҳим ҳисобланади. ЖСТга аъзо бўлган айрим МДХ мамлакатларида савдо интеграциясидан кутиладиган ютуқларнинг ҳозирча яққол кўзга ташланмаётгани ҳам буни тасдиқлайди.

Диверсификация ва интеграциялашувнинг республика ижтимоий-иқтисодий тараққиёти пировард натижаларига таъсирини баҳолаш мақсадида, «кўп омилли эконометрик модель» қўлланилди. Эмпирик тадқиқот натижалари шаффофлигини таъминлаш учун диссертацияда EViews 10 пакет дастури орқали эконометрик таҳлил амалга оширилди.

Кўп омилли эконометрик модель асосини 1994-2021 йиллар оралиғидаги куйидаги макроиқтисодий индикаторлар (2008 йилдаги миллий ҳисоблар тизими асосида қайта коррективировка қилинган) ташкил этди (қ. 5.1.1-илова):

А) Натижавий “*dependent - эркисиз ўзгарувчи*” омил (Y) – ялпи ички маҳсулот (млрд. долларда).

В) Таъсир этувчи “*independent - эркили ўзгарувчи*” омиллар эса, куйидагилар:

X<sub>1</sub> — асосий капиталга инвестициялар (млрд. долларда);

X<sub>2</sub> – инновацияларга йўналтирилган инвестициялар (млрд. долларда);

X<sub>3</sub> – ялпи экспорт (млрд. долларда);

X<sub>4</sub> – ялпи импорт (млрд. долларда);

X<sub>5</sub> – ташқи савдо айланмаси (млрд. долларда);

X<sub>6</sub> – мамлакат аҳолисининг сони (минг киши);

X<sub>7</sub> – меҳнатга лаёқатли аҳоли улуши (%да);

X<sub>8</sub> – инфляция даражаси (%да);

X<sub>9</sub> – ўртача валюта курси (сўмда).

Босқичма-босқич олиб борилган таҳлил натижаларига мувофиқ, аксарият X ўзгарувчиларнинг Y га таъсири манфий қийматли натижани намойиш этганлиги сабабли, модель параметри ишончсиз, деб топилди. Бундай ҳолатда Y билан X лар ўртасида мультиколлинеарлик муаммосига йўл қўймаслик зарурати пайдо бўлди.

Корреляцион таҳлил натижаларига кўра, эркили - X<sub>2</sub>, X<sub>5</sub> ва X<sub>9</sub> ҳамда эркисиз - Y ўзгарувчилар ўртасидаги корреляция боғланиши зичлиги ва турининг намоён бўлиш шакли ҳамда натижавийлиги ижобий бўлганини кўрсатади. Бунда эркисиз ўзгарувчининг эркили ўзгарувчилар билан алоқадорлиги 1 га яқин, яъни зичлик етарли даражада таъминланган. Эркили ўзгарувчилар ўртасидаги мультиколлинеарлик эса, илгари сурилган гипотезага мувофиқ. Яъни: Y билан X лар ўртасидаги корреляция етарлича юқори бўлиши керак; X лар ўртасида эса, мультиколлинеарлик (ўзаро кучли корреляция) муаммоси мавжуд бўлмаслиги керак.

Корреляция ва VIF таҳлили натижаларидан келиб чиқиб, эконометрик модель  $X_2$ ,  $X_5$ ,  $X_9$  эрки ўзгарувчилардан иборат конфигурацияни қабул қилди. Амалга оширилган таҳлиллар асосида моделда қолдирилган эрки омиллар ҳамда натижавий омил ўртасидаги чизикли муносабатни акс эттирувчи қуйидаги назарий эконометрик модель ишлаб чиқилди:

$$Y = C(10) + C(2)*X_2 + C(5)*X_5 + C(9)*X_9 \quad (8)$$

Олинган таҳлил натижалари эса, қуйидаги тест натижаларида ўз аксини топди:

**Regression Analysis: Y versus X2; X5; X9**

Estimation Command:

=====

LS Y X2 X5 X9 C

The regression equation is:

$$Y = -0,27 + 16,4 X_2 + 2,04 X_5 - 0,00441 X_9$$

| Predictor | Coef      | SE Coef  | T     | P     | VIF |
|-----------|-----------|----------|-------|-------|-----|
| Constant  | -0,268    | 4,365    | -0,06 | 0,952 |     |
| X2        | 16,449    | 4,027    | 4,08  | 0,001 | 2,4 |
| X5        | 2,0398    | 0,3989   | 5,11  | 0,000 | 4,9 |
| X9        | -0,004411 | 0,001473 | -2,99 | 0,007 | 3,2 |

S = 9,23278

R-Sq = 88,8 %

R-Sq (adj) = 87,2 %

Натижавий омил - ялпи ички маҳсулот (Y) нинг ўзгаришини  $X_2$ ,  $X_5$ ,  $X_9$  кўрсаткичлар орқали моделда қуйидагича ифодалаш мумкин:

$$Y = -0,27 + 16,4 X_2 + 2,04 X_5 - 0,004 X_9 \quad (9)$$

Унга кўра:

– инновацияларга йўналтирилган инвестициялар ( $X_2$ ) нинг 1 долларга ошиши ўрта ҳисобда ялпи ички маҳсулот (Y) ни 16,4 (95% ишонччилик билан эса, 8,07 : 24,8) долларга оширади;

– ташқи савдо айланмаси ( $X_5$ ) нинг 1 долларга ошиши ўрта ҳисобда ялпи ички маҳсулот (Y) ни 2,04 (95% ишонччилик билан эса, 1,21 : 2,86) долларга оширади;

– валюта курси ( $X_9$ ) нинг 1 минг сўмга ошиши ўрта ҳисобда ялпи ички маҳсулот (Y) ни 0.004 (95% ишонччилик билан эса, 0,007 : 0,001) долларга камайтиради, бироқ ушбу қиймат статистик жиҳатдан аҳамиятли ( $\text{Prob}(X_9) < 0,05$ ).

Бунда,  $R^2 = 0.8883$  га, текисланган  $R^2 = 0.8724$  га тенг. Демак, моделга киритилган омиллар Y-динамикасини 88,8% га шаклланиши имкониятини беради. Яъни ялпи ички маҳсулот ҳажмининг ўзгариши қарийб 89% моделга киритилган омилларга, 11% эса бошқа тасодифий омилларга боғлиқдир.

Jarque-Bera кўрсаткичи маълумотларни нормал тақсимотга текширувчи коэффициентдир. Ўрганилаётган модель қолдиқлари учун тадқиқот

натижаларимиз  $Prob (J-B) < 0,05$  бўлганини кўрсатади ва ушбу ҳолат модель натижаларининг нормал тақсимотга яқинлигидан далолат беради.

Моделнинг ўрганилаётган жараёнга мослиги ва статистик аҳамиятлилигини аниқловчи F-statistic мезонининг ҳисобланган қиймати  $Prob (F-statistic) < 0,05$  шартни қаноатлантиргани учун модель адекват ҳисобланади ва параметрлар статистик жиҳатдан аҳамиятлидир.

Айрим иқтисодчилар жамғариш ва инвестиция орқали иқтисодий ўсишга тезроқ эришиш мумкинлигини ва бунда ташқи омиллар унчалик катта роль ўйнамаслигини таъкидлайдилар. Бироқ Жаҳон банки экспертларининг қайд этишларича, савдо интеграцияси ва экспорт диверсификацияси, узоқ муддатли истиқболда йиллик иқтисодий ўсишни ўртача 6-7% га таъминлайди.

Глобал рақобат ва жаҳон бозори конъюнктурасининг кескинлашиши эса, ташқи иқтисодий стратегияда янгича ёндашувларни талаб этади. Бунга мувофиқ, диссертациянинг V боб, 5.3.-параграфида миллий экспорт рақобатбардошлигини оширишнинг 16 босқичли стратегик концептуал модели таклиф этилган. Ушбу концептуал моделнинг амалиётга татбиқ этилиши экспортёр корхоналарда ишлаб чиқаришни 2,5-3 баробарга ошириш имконини беради. Шунингдек, мазкур моделда асосланган услубий ва амалий тавсиялардан Ўзбекистон Республикасининг экспорт стратегияси концепциясини ишлаб чиқиш амалиётида фойдаланилган.

## ХУЛОСА

Миллий экспорт рақобатбардошлигини ошириш стратегиясининг назарий-концептуал ҳамда илмий ва амалий жиҳатдан тадқиқ этилиши қуйидаги хулосаларга келиш имконини берди:

1. Халқаро савдо назариялари ҳамда глобал иқтисодий трендлар таҳлиliga мувофиқ, диссертациянинг I боб 1.1.-параграфида келтирилган халқаро савдонинг миллий хўжаликлар иқтисодий интеграциясига таъсир этувчи технологик ҳамда инновацион омиллари унинг барқарор иқтисодий ўсишга таъсири юқори эканлигига ишора қилади. Масалан, табиий ресурлари камбағал бўлган Япония бугунги кунда халқаро савдодаги энг йирик давлатлар орасида 5-ўринни, Сингапур 14-ўринни эгаллаб келмоқда.

2. Ташқи савдо сиёсати - ташқи иқтисодий стратегиянинг муҳим детерминанти бўлиб, унинг асосий мақсади экспортни кенгайтириш ва ички истеъмолни қондиришга қаратилган. Диссертацияда ташқи савдони тартибга солиш ва экспортни рағбатлантириш услубияти таҳлил қилинган бўлиб, халқаро иқтисодий муносабатлар янги шаклларининг пайдо бўлаётганлиги шароитида, ташқи савдони тартибга солиш ва экспортни рағбатлантиришнинг миллий тамойил ва механизмларини ЖСТ ҳамда UNCTAD ёндашувларига мувофиқ такомиллаштириш талаб этилади.

3. Халқаро рақобатбардошлик муҳим иқтисодий категория бўлиб, ҳар қандай миллий иқтисодиёт ривожланишининг асосий омили ва тадқиқот аппаратининг муҳим элементи сифатида унинг жаҳон иқтисодиётидаги ўрнини белгилашда муҳим ўрин тутди. Экспорт халқаро рақобатбардошлигини таъминлашнинг назарий-концептуал асосларини илмий тадқиқ этиш, замонавий

иқтисодий ривожланиш шароитида миллий экспорт рақобатбардошлигини таъминлашнинг стратегик масалаларини ҳал этиш зарурлигига ишора қилади.

4. Миллий экспорт рақобатбардошлиги услубий аппаратини таҳлил қилишда қўлланилган назарий ёндашувлар ҳамда иқтисодий ўсиш моделларидаги (Харрод-Домар ва Солоу) замонавий макроиқтисодий парадигма - халқаро миқёсда мамлакатларнинг фарқланиш сабаблари кўпроқ эндоген, қисман, экзоген омилларга боғлиқлигини кўрсатади. Бизнингча, микро, макро ва халқаро иқтисодий омиллар миллий экспорт халқаро рақобатбардошлигининг муҳим детерминанти ҳисобланади.

5. Маълумки, экспортёрларнинг халқаро бозорларда эгаллаган мавқеи - уларнинг рақобатлаша олиш имкониятлари ҳамда ишлаб чиқарган маҳсулотларининг рақобатбардошлиги орқали белгиланади. Бугунги кунда халқаро бозорларда стратегик альянсларнинг монопол мавқеи тобора кучаяётган бир пайтда экспорт самарадорлигини оширишнинг «Оптималь стратегияси»га таяниш - жаҳон бозори конъюктурасини мунтазам таҳлил қилиш, экспортёрларнинг халқаро рақобатбардошлиги позициясини мустаҳкамлаш ҳамда жаҳон бозори конъюктурасининг доимий ўзгариб боровчи шарт-шароитларига тезкор мослашиш имконини беради. 2022 йилда республика экспортини 20 млрд. долларга, 2026 йилга қадар 30 миллиард АҚШ долларига ошириш башорат қилинган. Фикримизча, прогноз кўрсаткичларига эришиш ҳамда халқаро бозорларни забт этишда «Оптималь стратегия»га таяниш ва *“стратегик альянслар экспансияси”*ни қўллаб-қувватлаш тавсия этилади.

6. Глобал савдо тизимига интеграциялашувнинг эмпирик ҳамда эконометрик тадқиқи *“демонстратив”* ҳамда *“домино”* самараси туфайли халқаро иқтисодийёт соҳасида сифат жиҳатдан янги иқтисодий муҳит қарор топаётганлигини тасдиқлайди. Бундай шароитда мамлакатларнинг глобаллашув жараёнларига *“адекват”* тарзда ёндашишлари талаб этилади. Шунингдек, олиб борилган илмий-тадқиқот натижалари глобаллашувнинг халқаро иқтисодий тараққиётга таъсири тўғри чизиқли бўлмаган ривожланиш тенденциясини намён қилаётганига ишора қилади.

7. Республика ТИФ индикаторларининг 1994-2021 йиллар оралиғидаги чизиқсиз полином график модели (3.1§, 3.1.4.-расм.) экспортни диверсификациялаш ва қўллаб-қувватлашда рақобатбардошлик афзаллигини таъминлашнинг стратегик моделини ишлаб чиқишни талаб этади (SWOT таҳлиliga мувофиқ, 3.2.5-илова). Ташқи савдо самарадорлиги кўрсаткичлари тизимининг услубий такомиллаштирилган модели эса, экспорт салоҳиятини тўғри баҳолаш имконини беради. 2017 йилдан эътиборан ташқи савдода юзага келган диспропорцияни бартараф этиш ҳамда хом ашёга ихтисослашганлик даражасини жаҳон амалиётида кузатиладиган меъёрдан оширмаслик мақсадида экспорт таркиби ва географиясини диверсификациялаш тавсия этилади.

8. Гарчи иқтисодий либерализм ва неолиберализм концепцияси инфляция, халқаро савдо ва тўлов балансидаги номутаносибликлар сабаб, иқтисодий жараёнларни тартибга солиш ножоиз, деб ҳисоблаётган бўлса-да, глобаллашув шароитида халқаро савдонинг UNCTAD (БМТ) ҳамда ЖСТ доирасида тартибга солиниши тобора долзарб аҳамият касб этмоқда ҳамда миллий иқтисодийётларда

“қўлам самараси” афзаллигини таъминламоқда. Иқтисодий ривожланишни акс эттирувчи «контрацептив ўсиш» – «contraceptive growth» траекторияси эса, (4.3.-параграф 4.3.2-расм.) глобаллашувнинг ялпи даромадга кумулятив таъсири юқори эканлигидан далолат беради.

9. ЖСТга аъзо бўлишда Ўзбекистон олдида қўйилаётган талаблар даъвогар мамлакатларга нисбатан қўлланиладиган талабларга тўла мос келаётганлигига қарамай, эркин савдо тизимида интеграциялашув жараёни тарихан узок вақтни талаб этмоқда. Бизнингча, савдо интеграциясининг муваффақиятли ҳал этилиши ташқи савдо қўламида қатор афзалликларни таъминлайди ва бунда Ўзбекистон Республикасининг «Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида»ги Қонуннинг 17-моддасида кўзда тутилган экспортни қўллаб-қувватлашнинг “*сарик сават*” га мос преференция ва имтиёзлар тизимини “*Мовий сават*”- “*De-minimis*” ёки “*яшил сават*” тоифасига кирувчи Битим талабларига мослаштириш талаб этилади.

10. ЖСТ доирасидаги «эркин савдо тизимида интеграциялашув» жараёнида ташқи савдони янада эркинлаштириш ва миллий экспорт рақобатбардошлигини оширишнинг истикболли йўналишларини белгилашда қуйидагилар талаб этилади:

10.1. Миллий иқтисодиёт қўламида кутилиши мумкин бўлган афзалликлар ва йўқотишларни эмпирик ва эконометрик жиҳатдан тадқиқ этиш муҳим вазифа саналади. Диверсификация ва интеграциялашувнинг республика ижтимоий-иқтисодий тараққиёти пировард натижаларига таъсирини баҳолашда тадқиқот ишида қўлланилган « OLS - кўп омилли эконометрик модель» натижалари (5.1. параграф; 5.1.1-илова.) ташқи савдо стратегиясини глобал рақобат ва жаҳон бозори конъюктураси талабларига мослаштириш зарурлигига ишора қилади.

10.2. Халқаро савдо сиёсатини глобал тартибга солиш услубиятини янада такомиллаштириш тўғрисидаги саволлар янги мунозараларга сабаб бўлаётган бир пайтда, ЖСТ “*TPRM доирасидаги мунозаралар*”да мамлакатимиз ташқи савдо сиёсатининг конструктив тарзда муҳокама этилиши мақсадга мувофиқдир. Ҳамкорлик алоқаларининг тобора глобал қамров касб этаётганлиги шароитида эса, ташқи савдо сиёсатини ЖСТ ЭСБ қоидаларига мувофиқ такомиллаштиришда халқаро ҳуқуқий ҳамкорликни ривожлантириш талаб этилади.

11. Замонавий иқтисодий ўсиш моделларидаги макроиқтисодий парадигма ЖСТ «эркин савдо тизими»га интеграциялашувнинг ўрта муддатли истикболида экспорт рақобатбардошлигининг қуйидаги макроиқтисодий жиҳатларига муҳим эътибор қаратиш зарурлигини талаб этади:

- эркин савдо режимининг қўлланилиши жараёнида монетар таргетлаш, валюта бозори устидан тизимли мониторингни йўлга қўйиш. Бу ташқи савдо самарадорлигининг муҳим параметри сифатида ЖСТга аъзо бўлиш босқичида мамлакатда монополияга қарши самарали тартиботларни жорий этиш, ишлаб чиқариш қуввати даражасини ошириш, ялпи тушум салмоғида эса, харажатларни камайтириш имконини беради;

- “Толлинг шартномаси”га мувофиқ реэкспорт қилиш амалиётидан тушадиган СКВнинг бор-йўғи 5%и экспортёрлар ҳисоб рақамига, қолган 95%и

эса, хорижий ҳамкорлар томонидан ўзлаштирилаётганлиги тадқиқотлар натижасида маълум бўлди. Айни пайтда экспортни тартибга солишнинг нотариф механизмларидан бутунлай воз кечиш ва фискал имтиёзларнинг индивидуал тарзда берилишига чек қўйиш, эркин алмашинадиган соф валюта тушумига солинадиган қўшилган қиймат солиғи (ҚҚС)нинг экспортёрларга қайтарилишини «Ягона биллинг» тизими орқали назорат қилиш;

- миллий экспорт рақобатбардошлигини оширишга қаратилган ўрта ва узоқ муддатли стратегик дастурларни ишлаб чиқиш;

- савдо интеграцияси жараёнида глобал рақобатбардошлик индексини яхшилаш.

12. Жаҳон аграр озиқ-овқат бозорларига интеграциялашув йўналишида олиб борилган изланишлар қуйидаги хулосаларга олиб келади: республика агросаноат мажмуаси улкан ресурс салоҳиятига эга бўлишига қарамасдан, ишлаб чиқариш қувватларининг пастлиги (ўртача 13-14%) ва ўзаро ҳисоб-китобларда нақд пул маблағларининг етишмаслиги экспорт салоҳиятига салбий таъсир кўрсатади. Бунга мувофиқ, экспорт стратегиясини *«ишлаб чиқарувчи фермерлар-улгуржи бозорлар-қайта ишловчи корхоналар-биржалар»*дан иборат замонавий интеграцион тизимга қаратиш мақсадга мувофиқдир.

13. Савдо интеграциясидан максимал фойда олиш, сўзсиз, миллий экспорт рақобатбардошлиги стратегиясига муҳим эътибор қаратиш зарурлигини талаб этади. Бунга мувофиқ диссертацияда миллий экспорт рақобатбардошлигини оширишнинг 16 босқичли стратегик концептуал модели таклиф этилган бўлиб, бунда қуйидаги стратегик вазифаларни ҳал этиш устувор аҳамият касб этади:

- ташқи савдо шартномаларида халқаро савдо шартларини Инкотермсга мувофиқ белгилаб олиш ҳамда ташқи савдо юкларини интермодал ва континентал ташишда жиддий муаммолар кузатилмоқда. Бунга мувофиқ, экспортёр корхоналарнинг ташқи савдо битимлари тўғрисидаги билим ва қўникмаларини ошириш, шунингдек, ташқи савдо юкларини ташиш ва юклаш харажатларини қоплаш механизмини янада такомиллаштириш талаб этилади;

- айрим экспортёр корхоналарда ишлаб чиқаришни 2,5-3 баробарга ошириш имконияти мавжуд. Бироқ бунинг учун Қозоғистон ва Россиядан айни йиғим-терим мавсумида арзон хом ашё маҳсулотларини импорт қилиб, йил давомида уларни сақлаш ва босқичма-босқич қайта ишлашга мўлжалланган, озиқ-овқат, экологик ҳамда инсон соғлиғи билан боғлиқ техник хавфсизлик талабларига жавоб берадиган махсус омборхона ва элеваторларни қуриш, бизнес структураларининг замонавий муҳандислик-коммуникация тармоқларига бекаму кўст уланиши ҳамда мавжуд ресурслардан тенглик тамойили асосида фойдаланиш тартибини жорий этиш мақсадга мувофиқдир;

- «Рақамли Ўзбекистон-2030»га мувофиқ, халқаро савдо транспорт йўлакларини рақамли технологиялар орқали модернизациялаш ҳамда республикамиз ҳудудини жаҳон стандартларига жавоб берадиган интермодал-транзит «ХАБ»га айлантириш долзарб вазифа саналади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.11/25.08.2022.I.24.03**  
**ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ УНИВЕРСИТЕТЕ**  
**МИРОВОЙ ЭКОНОМИКИ И ДИПЛОМАТИИ МИНИСТЕРСТВА**  
**ИНОСТРАННЫХ ДЕЛ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**  

---

**УНИВЕРСИТЕТ МИРОВОЙ ЭКОНОМИКИ И ДИПЛОМАТИИ**

**ЮСУПОВ АСОМИДДИН СОАТОВИЧ**

**СТРАТЕГИЯ ПОВЫШЕНИЯ КОНКУРЕНТОСПОСОБНОСТИ**  
**НАЦИОНАЛЬНОГО ЭКСПОРТА В ПРОЦЕССЕ ЛИБЕРАЛИЗАЦИИ**  
**ВНЕШНЕЙ ТОРГОВЛИ**

**08.00.09 – Мировая экономика**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ**  
**ДОКТОРА (DSc) ПО ЭКОНОМИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент – 2023**

Тема диссертации доктора наук (DSc) зарегистрирована Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан, за 14.07.2016/B2016.3.1206.

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном экономическом университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета ([www.uwed.uz](http://www.uwed.uz)) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» ([www.zivonet.uz](http://www.zivonet.uz)).

**Научный руководитель:** **Исламов Бахтиёр Анварович**  
доктор экономических наук, профессор

**Официальные оппоненты:** **Гулямов Садахроп Садахмедович**  
доктор экономических наук, академик

**Кадиров Абдурашид Мажидович**  
доктор экономических наук, профессор

**Шарифходжаев Шавкат Акилович**  
доктор экономических наук, старший научный сотрудник

**Ведущая организация:** **Банковско-финансовая академия Республики Узбекистан**

Защита диссертации состоится «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2023 года в \_\_\_ часов на заседании Научного совета DSc.11/25.08.2022.I.24.03 по прижудению ученой степени при Университете мировой экономики и дипломатии. Адрес: 100007, г.Ташкент, ул. Мустакиллик, дом 54. Тел.: (99871) 267-67-69; факс: (998971) 267-67-69; e-mail: [rectorat@uwed.uz](mailto:rectorat@uwed.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Университета мировой экономики и дипломатии (зарегистрирована под номером\_\_\_). Адрес: 100007, г.Ташкент, ул. Мустакиллик, дом 54. Тел.: (99871) 267-67-69; факс: (998971) 267-67-69; e-mail: [rectorat@uwed.uz](mailto:rectorat@uwed.uz).

Автореферат диссертации разослан «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2023 года.

(протокол реестра рассылки от «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2023 года).



**И.Р. Мавланов**

Председатель Научного совета по присуждению ученых степеней, доктор экономических наук, профессор

**Л.М. Ташпулатова**

Ученый секретарь Научного совета по присуждению ученых степеней, кандидат экономических наук, доцент

**Н. Сиражиддинов**

Председатель Научного семинара при Научном совете по присуждению ученых степеней, доктор экономических наук, профессор

## Введение (аннотация диссертации доктора наук (DSc))

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** Международный опыт интеграции в систему глобальной торговли свидетельствует, что вопрос международного регулирования экономических процессов имеет актуальное значение в развитии внешней торговли.

В частности, внедрение практики МПТП (TPRM) ВТО<sup>72</sup> превратилось в важное требование системы современной многосторонней торговли. В настоящее время такие международные объединения и структуры, как ОЭСР (OECD), ЮНКТАД (UNCTAD), G-20, тоже активно поддерживают тенденции торговой политики в полномочии ВТО.

Проведенные исследования подтверждают существование ряда преимуществ, свойственного системе свободной торговли ВТО и указывает на необходимость повышения конкурентоспособности внешнеторговой политики в процессе вступления в организацию. Предварительное определение<sup>73</sup> приоритетных торговых условий в соответствии с принципами ВТО для Нового Узбекистана<sup>74</sup> тоже признается в качестве одного из приоритетных направлений открытой прагматичной внешнеторговой политики. В «Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы»<sup>75</sup> в качестве одной из важных целей экономических реформ, направленных на обеспечение экспортной конкурентоспособности путем либерализации внешнеторговой политики, а также трансформирования экономических отраслей является ускорение процесса вступления в ВТО и доведение до 30 млрд. долларов США объема экспорта республики до 2026 года. Как подчеркивал Президент Ш.Мирзиёев: «Так как... только государство, уделяющее особое внимание вопросам занятия прочного места на внешних рынках, достигнет высокого развития, обеспечивая благосостояние населения»<sup>76</sup>.

Научные изыскания, осуществленные по исследованию экономического содержания и принципов интегрирования Узбекистана в систему международной торговли, позволили сделать следующие заключения:

1. В современной экономической литературе до сих пор не существует единого подхода по интеграции в систему международной торговли в качестве важной модели экономического сотрудничества, что не позволяет глубоко осознать сущность исследуемого процесса.

2. В процессе становления членом ВТО появляется необходимость совершенствования стратегии повышения конкурентоспособности

<sup>72</sup> Сокращенная аббревиатура Всемирной торговой организации. МПТП - механизм пересмотра торговой политики.

<sup>73</sup> 1.By Kimberly Amadeo. Advantages and Disadvantages and Their Possible Solutions. Updated May 18, 2019.; 2.WTO Online Bookshop/<http://onlinebookshop.wto.org>

<sup>74</sup> 1. Указ Президента Республики Узбекистан «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года, № ПФ-4947.; 2. Стратегия действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан на 2017-2021 годы. //Приложение 1 к Указу Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года, № ПФ-4947.; 3. Государственная программа по реализации стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан на 2017-2021 годы в «Год общения с народом и интересов человека» //Приложение 8 к Указу Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года, № ПФ-4947.

<sup>75</sup> Указ Президента Республики Узбекистан «О Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы» от 28 января 2022 года, № ПФ-60.

<sup>76</sup> Мирзиёев Ш. /Выступление на собрании видеоселектора по расширению экспорта, инвестиций и локализации, 15 января 2020 г. //<https://mfa.uz/press/news/2020/01/22941/>

национального экспорта. Недостаточное исследование данных вопросов с теоретической, методологической и концептуальной стороны на этапе становления членом ВТО определяет актуальность и целесообразность выбранной темы диссертации.

Диссертационная работа в определенной степени служит выполнению задач, изложенных в Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017 - 2021 годах, Постановлений Президента Республики Узбекистан № ПП - 4337 от 24 мая 2019 г. " О мерах по расширению механизмов финансирования и страховой защиты экспортной деятельности ", № ПП - 4707 от 7 мая 2020 г. "О мерах по дальнейшей поддержке экспортной деятельности», Указа Президента Республики Узбекистан № УП - 60 от 28 января 2022 года «О Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022 - 2026 годы», и других нормативно-правовых документах.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики.** Данная научно-исследовательская работа выполнена в рамках фундаментального научно-исследовательского проекта на тему Ф-1-59 - "Совершенствование теоретико-методологических основ интеграции в мировые аграрные и продуктовые рынки агропромышленного комплекса Узбекистан" в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологий республики.

**Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации**<sup>77</sup>. Определенные стратегические вопросы повышения конкурентоспособности внешней торговли исследуются с теоретико-методологической, эмпирической и эконометрической стороны такими учреждениями, как: World Economic Forum (Geneva, Switzerland: «The Global Competitiveness Report»), Institute for Management Development (IMD, Lausanne, Switzerland: «World Competitiveness Yearbook»), United Nations Conference on Trade and Development (UNCTAD), Regional Economic Development Institute (REDI), The United Nations Commission on Sustainable Development (UN CSD), World Bank, The World Bank Institute, The Institute of Developing Economies, Harvard University, Research Institute and now AFR, The Golda Meir MASHAV Carmel International Training Center (MCTC, Haifa, Israel), RIS Research and Information System for Developing Countries (India Habitat Centre), Astana International Campus, СКАГС (Ростов-на-Дону), Университетом мировой экономики и дипломатии, Ташкентским государственным экономическим университетом, Институтом прогнозирования и макроэкономических исследований при Кабинете Министров Республики Узбекистан.

В соответствие с системой свободной торговли ВТО и «многосторонних торговых соглашений» принцип соблюдения членами правил и обязательств, а также тенденции международной торговой политики постоянно наблюдаются такими международными объединениями и структурами, как OECD, UNCTAD,

<sup>77</sup> <https://www.weforum.org/>; <https://www.imd.org/>; <https://web.worldbank.org/>; <https://openknowledge.worldbank.org/>;  
<https://documents.worldbank.org/>; <https://www.sardc.net/en/regional-economic-development-institute-redi/>; <https://www.harvard.edu/>;  
<http://unctad.org/>; <https://sustainabledevelopment.un.org/>; [www.ox.ac.uk/](http://www.ox.ac.uk/); <https://toolkit-digitalisierung.de/>; <https://www.resolve.ngo/>;  
<https://www.timeshighereducation.com/>; <https://raexpert.ru/>; <http://www.skags.ru/>; [www.uwed.uz/](http://www.uwed.uz/); <https://www.tdiu.uz/>;  
<https://www.researchgate.net/>; <https://ifmr.uz/>.

а также МПТП ВТО, которые важное внимание уделяют научно-методологическим, эмпирическим и эконометрическим аспектам конкурентоспособности во внешней торговле.

**Степень изученности проблемы.** Влияние международной торговли на экономическое развитие стран и проблемы торговой интеграции глубоко исследованы с теоретико-методологическим и научным аспектами такими учеными как: А.Смит<sup>78</sup>, Д.Рикардо<sup>79</sup>, Э.Хекшер<sup>80</sup>, Б.Олин<sup>81</sup>, М.Познер, Г.Хуфбауэр, Р.Вернон<sup>82</sup>, Л.Уэльс<sup>83</sup>, М.Портер<sup>84</sup>, Ж.Сакс<sup>85</sup>, А.Ворнер<sup>86</sup>, Ж.Мокёр<sup>87</sup>, С.Гарелли<sup>88</sup>, Р.Мартин<sup>89</sup>, А.Маршалл<sup>90</sup>, П.Линдерт<sup>91</sup>, П.Кругман<sup>92</sup>, Дж.С.Милл<sup>93</sup>, С.Бойзер<sup>94</sup>, Р.Познер<sup>95</sup>, У.Крист<sup>96</sup>, И.Ноака<sup>97</sup>, Ф.Никербокер<sup>98</sup>, П.Фрэнсис<sup>99</sup>, Д.Дэниэлс<sup>100</sup>, Э.Кристоф<sup>101</sup>, И.Чень-Г.Роланд<sup>102</sup>, Я.Корнаи<sup>103</sup>.

В странах СНГ детально изучены такими экономистами, как: В.Кушлин и А.Волчин<sup>104</sup>, А.Дынкин<sup>105</sup>, Е.Авдокушин<sup>106</sup>, А.Киреев<sup>107</sup>, П.Сергеев<sup>108</sup>,

<sup>78</sup> Adam Smith. An Inquiry into the Nature and Causes of the Wealth of Nations. A selected Edition. Edited with an Introduction and Notes by Kathryn Sutherland. // Oxford Worlds Classics. Oxford University press. 1998.

<sup>79</sup> David Ricardo. The Principles of Political Economy and Taxation. – Cambridge University Press, 1951.

<sup>80</sup> Heckscher, Eli. The Effect of Trade on the Distribution of Income. – *Economisk Tidskrift*, p. 497.

<sup>81</sup> Bertil Ohlin. *Interregional and International Trade*. – Cambridge, Massachuset: Harvard University Press, 1993.), В.Леонтьев, П.Самуэльсон (*International Trade and Equalization of factor Prices*. – *Economic Journal* №58, 1948.

<sup>82</sup> Vernon, R. "International Investment and International Trade in the Product Cycle." *Quarterly Journal of Economics*, Vol. LXXX, May 1966, pp. 190-207.

<sup>83</sup> Wells, L.T., Jr. "International Trade: The Product Life Cycle Approach." In *The Product Life Cycle in International Trade*, edited by L.T. Wells, Jr. Cambridge, Mass.: Division of Research, Harvard Graduate School of Business Administration, 1972.

<sup>84</sup> 1. Портер М. Международная конкуренция. –М.: Международные отношения, 1993. 2. Портер М. Конкурентная стратегия: Методика анализа отраслей и конкурентов / Майкл Портер; Пер. с англ. – 3-е изд. – М.: Альпина Бизнес Букс, 2007.

<sup>85</sup> 1. Джеффри Д. Сакс. Конец бедности. Экономические возможности нашего времени [Текст] /пер. с англ. Н. Эдельмана. –М.: Изд. Института Гайдара, 2011. - сс. 3-5.; 2. Sachs D., Why Competitiveness Counts? // *The Global Competitiveness Report*. 1996.

<sup>86</sup> Sachs J.D., Warner A.M. //*The Global Competitiveness Report*. 2000.//<http://web.mit.edu/>

<sup>87</sup> Joel Mokyr. Technology and science reinforce each other to take the global economy ever higher. //*FINANCE & DEVELOPMENT*, JUNE 2018, VOL. 55, NO. 2.

<sup>88</sup> Garelli S. *The Four Fundamental Forces of Competitiveness* // *The World Competitiveness Report 1997*, IMD.

<sup>89</sup> Ronald L. Martin. *A Study on the Factors of Regional Competitiveness*. /A draft final report for The European Commission Directorate-General Regional Policy. Cambridge econometrics. The university of cambridge/[https://ec.europa.eu/regional\\_policy/](https://ec.europa.eu/regional_policy/)

<sup>90</sup> Alfred Marshall. *Principles of Economics*. 8<sup>th</sup> edition, - Macmillan and Co., Ltd. 1920. (First edition published 1890.).

<sup>91</sup> Линдерт П.Х. Экономика мирохозяйственных связей. /Перевод с англ. Общ. ред. Иванова О.В. - М.: Прогресс, 1992.

<sup>92</sup> *International economics: theory and policy* / Paul R. Krugman, Maurice Obstfeld. – 7<sup>th</sup> ed. HF1359.K78 2006.

<sup>93</sup> John Stuart Mill. *Principles of Political Economy*. Cambridge, 1848.

<sup>94</sup> Boisier S. *The Elusive Goal of Regional Development: Between the Black Box and the Political Agenda* // *Essays Series Documents 1995/30*. Latin American and Caribbean Institute for Economic and Social Planning, Santiago de Chile, March, 1997.

<sup>95</sup> Richard A. Posner. *Theories of Economic Regulation*/The Bell Journal of Economics and Management Science Vol. 5, No. 2 (Autumn, 1974), pp. 335-358 (24 pages).

<sup>96</sup> By William Krist. *Trade Agreements and Economic Theory/Trade Policy in crisis*/<https://www.wilsoncenter.org/>

<sup>97</sup> Nonaka I. A firm as a Knowledge-creating Entity: A New Perspective on the Theory of the Firm // *Industrial and Corporate Change*. 2000. V. 9. №1.

<sup>98</sup> Knickerbocker, F.T. *Oligopolistic Reaction and Multinational Enterprise*. Cambridge, Mass.: Division of Research, Harvard Graduate School of Business Administration, 1973.

<sup>99</sup> By Francis S. Pierce. *International payment and exchange*.//*Economics*. //<https://www.britannica.com/topic/>

<sup>100</sup> Д.Дэниэлс, Л.Х. Радеба. *Международный бизнес: внешняя среда и деловые операции*. Пер. с англ., 6-изд. – М.: Дело ЛТД, 1994.

<sup>101</sup> By Christoph Ernst, Alfons Hernández Ferrer and Daan Zult. *The end of the Multi-Fibre Arrangement and its implication for trade and employment*. Employment Strategy Papers./Employment Analysis Unit Employment Strategy Department., 2005/16.

<sup>102</sup> Yingyi Qian and Gérard Roland. *Federalism and the Soft Budget Constraint*.The American Economic Review Vol. 88, No. 5 (Dec., 1998).

<sup>103</sup> Корнаи Я. *Путь к свободной экономике. Страстное слово в защиту экономических преобразований.*, –М.: Экономика, 1990. – VIII + 149 с.

<sup>104</sup> Под ред. Кушлина В.И., Волчина Н.А. *Государственное регулирование рыночной экономики*. –М.: "Экономика", 2000.

<sup>105</sup> Мир 2035. *Глобальный прогноз* / под ред. А.А. Дынкина; ИМЭМО им. Е.М. Примакова РАН. –М.: Магистр, 2017. //<https://www.imemo.ru/>

<sup>106</sup> Авдокушин ЕФ. *Новая мировая экономика. О некоторых чертах новой мировой экономики*. //Вопросы новой экономики • № 1 (29) 2014. - сс 6-16.

<sup>107</sup> *Trade Multilateralism in the Twenty-First Century: Building the Upper Floors of the Trading System through WTO Accessions*/Edited by Alexei Kireyev and Chiedu Osakwe, 2017.ISBN:9781108367745.

<sup>108</sup> Сергеев П.В. *Мировое хозяйство и международные экономические отношения на современном этапе*. –М.: Новый юрист, 2011.// [https://interactive-plus.ru/en/article/111918/discussion\\_platform](https://interactive-plus.ru/en/article/111918/discussion_platform)

Э.Рубинская<sup>109</sup>, И.Кокушкина<sup>110</sup>, Е.Сидорова<sup>111</sup>, Д.Мадиярова<sup>112</sup>,  
Е.Александров<sup>113</sup>, А.Холопов<sup>114</sup>, И.Балабанов<sup>115</sup>, Н.Калюжнова<sup>116</sup>.

Теоретические и практические аспекты интеграции и внешнеторговой конкурентоспособности в Узбекистане были исследованы такими учеными, как: С.Гуломов<sup>117</sup>, Д.Ахмедов<sup>118</sup>, Б.Исламов<sup>119</sup>, Ш.Шарифходжаев<sup>120</sup>, Н.Сирождидинов<sup>121</sup>, А.Вахабов<sup>122</sup>, А.Бекмуродов<sup>123</sup>, Н.Тўхлиев<sup>124</sup>, С.Аъзам<sup>125</sup> Ҳ.Абулқосимов<sup>126</sup>, А.Исажанов<sup>127</sup>, Б.Салимов-М.Юсупов<sup>128</sup> и др.

Режим внешней торговли стран с трансформационной экономикой, обладая своеобразными свойствами, требует необходимости осуществления стратегий экономического развития. В частности, в процессе глобализации все еще актуальными остаются вопросы дальнейшей либерализации внешней торговли республики и повышения конкурентоспособности экспорта. Для обеспечения устойчивого экономического роста в стране, вопросы о том, как должно регулироваться и поощряться внешняя торговля на национальном и международном уровнях, на сегодняшний день является причиной различных споров и дискуссий.

Данная научно-исследовательская работа в перспективе будет служить полезной программой для специалистов и ученых-исследователей, которые свой потенциал знаний и возможностей направляют для дальнейшего развития экономики Узбекистана, обеспечения дальнейшей глубокой и эффективной его интеграции в систему международной торговли.

